

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 33 (1357) • 2020 йил 18 август

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҶДА

Директор ўз дивидендидан қариндошлар коммунал тўловини тўлаб берди. Солиқ оқибатлари қандай бўлади?

2-бет

Валютадаги қарзнинг бухгалтерия ҳисоби

3-бет

Карантин: ҳомиладорлик нафақаси ҳисоб-китобига доир

4-бет

Амортизациянинг қайси усули самарали

5-бет

ҲОИДА СОЛИҒИ ҚАМАЙГАН БЎЛСА...

Ярим йиллик яқунларига кўра зарар кўрган корхоналар солиқни ҳисоботда қандай акс эттириши?

6-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

7-12-бетлар

Жисмоний шахсларнинг даромадидан солиқлар

13-14-бетлар

БОЖХОНА СОҶАСИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Жорий йилнинг 7 август куни куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг «Давлат божхона қўмитаси томонидан «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси» га бағишланган видеоконференция шаклидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирнинг асосий мақсади – Давлат дастурининг тегишли бандларида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Давлат божхона қўмитаси фаолияти ҳамда божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли вазифаларга эришилиши ҳолатини ўрганиш, бу борада таъсирчан парламент назоратини таъминлаш, божхона фаолиятини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Йиғилишда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича Давлат божхона қўмитаси масъулларининг батафсил ахборотлари тингланди. Жумладан, божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишга оид ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ҳамда халқаро стандартлар ва тамойиллар билан божхона қўмитасининг унификациялаш учун 2020–2024 йилларда 23 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқиши белгиланган.

Президентимизнинг Олий Мажлиста мурожаатида тадбиркорлар ханузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч кел-



лаётгани, коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз кераклиги таъкидланган эди. «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган ахборот тизимини автомобиль чегара божхона постларида жорий этиш, темир йўл транспортда ташилаётган товарлар бўйича юридик шахслар, вагон, контейнер, ҳаракатлаш ҳудуди ёки сақланаётган (тўхтаб турган) темир йўл станцияси тўғрисида электрон маълумотларни божхона органига реал вақт режимида тақдим этиш амалиётининг йўлга қўйилиши соҳадаги коррупцион ҳолатларга барҳам берилишига хизмат қилади.

Дастур ижроси доирасида божхона постларида божхона, ветеринария, фитосанитария, санитария-қарантин органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш, чегарада логистика марказлари ва мультимодал комплексларни ташкил этиш орқали товарларни тўғридан-тўғри республиканинг божхона чегараси орқали ўтказиш пунктларида олиб чиқиш имкониятини яратиш юзасидан аниқ чоралар амалга оширилмоқда.

Натижада «Ягона дарча» божхона ахборот тизимидан самарали фойдаланиш, фаолияти ҳамда тақдим этилувчи рухсатномалар рўйхати янада кенгайтирилади.

Тадбиркорлар ДБКнинг расмий веб-сайтидаги «Ўзбекистондан экспорт қилинган товарлар тўғрисида маълумот» интерактив хизмати орқали ўзларига керакли маълумотларни уйдан туриб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундан ташқари, ДБК томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан ҳамкорликда ташқи савдо юклари орқали темир йўл таркибидagi вагон ва контейнерларнинг ички ҳудудлардаги ҳаракати, улар турган темир йўл станцияси тўғрисида электрон маълумотларни божхона органига реал вақт режимида мавжуд ахборот тармоғи орқали тақдим этиш тизими жорий этилмоқда.

Дастур ижроси доирасида чегара божхона постларини замонавий технологиялар билан босқичма-босқич таъминлаш амалга оширилиб, чегара ўтказиш пунктлари 2 дона инспекцион кўрик мажмуаси, 15 та инсон танасини сканер қилувчи қурилма, 4 та портал монитор, 15 дона автотарозилар, 85 дона металлзилағич, 52 дона тепловизор, 20 та тиббиёт хоналари ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган. Бу ўз навбатида чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларининг божхона назорати ҳамда расмийлаштируви жараёнини соддалаштириш, унга сарфланадиган вақтни янада қисқартириш имконини берди.

Давлат дастурида ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган тошчирикларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш йўналишида айрим камчиликлар мавжудлиги ҳам таъкидланди. Хусусан, депутатлар томонидан божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш борасида белгиланган вазифаларнинг айрим бандлари ижроси бўйича танқидий фикрлар билдирилди.

ДБК Ахборот хизмати.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

ТЎҒРИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ҚИЛАМИЗ

«Божхоначилар божхона брокерлари билан учрашдилар» материалида («СБХ»нинг 4.08.2020 йилдаги 31 (1355)-сон) Ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси бошқармаси бошлигининг ўринбосари Хусан КАРИМОВ Интерпретация қилиш асосий қоидаларининг (ИАҚ) 1-қоидасини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб берган эди. Товарларни ТИФ ТН кодига мувофиқ таснифлаш мавзуси ТИФ иштирокчилари учун долзарб мавзудир. Зеро, БЮДни расмийлаштираётганда ИАҚ ва изоҳларни бўлимлар, гуруҳлар, позициялар ва субпозицияларга нисбатан нотўғри қўллаш энг кўп йўл қўйиладиган хатоликлар жумласига киради. Бугун биз суҳбатни ИАҚнинг бошқа қоидалари ҳусусида давом эттирамиз.

2-қоида. У иккита мустақил қисмлардан иборат: 2а ИАҚ ва 2б ИАҚ, улар ҳам фақатгина навбатма-навбат

қўлланилади. Бу қисмлар товар позициялари матнларини улар орасига мазкур қоидаларда белгиланган

тавсифларга эга бўлган товарларни киритган ҳолда кенгайтириш имконини беради.

2а ИАҚ. 2а ИАҚнинг биринчи қисми муайян буюмга тегишли ҳар қандай товар позицияси қамровини, шу жумладан унга кирувчи нафақат бутланган буюмин, балки бу буюмининг бутланмаган ёки тугалланмаган ҳолдагисини ҳам киритган ҳолда кенгайтиради. Лекин бу борада мазкур тугалланмаган ёки бутланмаган буюм бутланган ёки тайёр буюмининг тавсифларига эга бўлиши кераклиги шартига риоя этилиши лозим. Масалан, буларга моторсиз автомобиль, электродвигателсиз электродрель, кучлан-

тирувчи агрегатларга эга бўлмаган локомотивлар ёки моторли темир йўл ёки трамвай вагонларини, ўлчаш асбоблари, ҳавфсизликни таъминлаш учун қурилмалар ёки ёрдамчи ускуналарни киритиш мумкин.

2а ИАҚни қўллаш соҳаси Қоидалар матнининг ўзида акс этган. Бу қуйидаги товарлардир:

- йиғилмаган (қисмларга ажратилган) ҳолдаги;
- тўлиқ тайёр товар таркибига кирувчи бирор-бир қисмлари бўлмаган;
- у фойдаланишга (эксплуатация учун) тайёр бўлиши учун

15-16-бетларда

ХУСУСИЙ КОРХОНА ДИРЕКТОРИ ДИВИДЕНДЛАРИДАН ХАРАЖАТЛАР

? Солиқ кодексининг 378-моддаси 11 ва 17-бандларида жисмоний шахсларнинг жисмоний шахслардан ҳада сифатида олинган маблағларига солиқ солинмаслиги белгиланган. Хусусий корхона мулкдори (директори) барча солиқлар ва мажбурий тўловлар, шу жумладан 5%лик ставкада дивиденд солиги тўлангандан кейин ўз яқин қариндошларининг коммунал тўловлари учун ҳисобланган дивиденд ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан тўлаган бўлса, бундай тўлов ҳада сифатида қараладими? Коммунал тўловларини тўлаттирган мулкдорнинг яқин қариндошлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиги тўловчиси ҳисобланадими? Мулкдор - хусусий корхона директори ўзига ҳисобланган дивиденд ҳисобидан ўз шахсий харажатлари учун пул ўтказган бўлса, ушбу ўтказилган суммаларга солиқ солинадими?

Н.Рўзимуродов, Қарши ш.

– Хусусий корхоналарнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) билан тартибга солинади (11.12.2003 йилдаги ЎРҚ-558-II-сон).

Хусусий корхона ягона жисмоний шахс томонидан тузилади (Қонун 3 ва 8-моддалари). Хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдаси, табиийки, корхона мулкдорининг мулки ҳисобланади ва корхона мулкдори бўлмиш жисмоний шахс ушбу фойдадан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эгадир (Қонун 15-м.).

Жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳада шартномалари бўйича) олинган мол-мулкнинг, мулкрий ҳуқуқларнинг қиймати уларни олув-

чи жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари ҳисобланади ва жисмоний шахсларнинг жами даромади таркибига кириди (СК 377-м. 3-б.).

Солиқ кодексининг 378-моддаси 11-бандига мувофиқ, жисмоний шахслардан мерос ёки ҳада тартибиде, шунингдек, текинга олинган пул ва натура шаклидаги даромадларга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайди, бундан қуйидагилар мустасно:

- илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ҳамда санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланган пул мукофотлари;

- яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасидаги кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, қиммат-

ли қоғозлар, юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушлар.

Сизнинг ҳолатингизда хусусий корхона мулкдори олиши лозим бўлган дивидендлардан бошқа жисмоний шахслар (шу жумладан яқин қариндошлар) учун уларнинг коммунал тўловлари тўлаб берилса, бу тўлов суммалари ушбу шахсларнинг даромадлари ҳисобланади (СК 377-м. 3-б.) ва ушбу суммалар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинмайдиган даромадлар каторига киритилган (СК 378-м. 11-б.).

Тўланган дивидендларни, мулкдорнинг ихтиёрига қараб, унинг эҳтиёжлари учун учинчи шахсларга ўтказиб бериш (масалан, унинг коммунал хизматлари ёки бошқа харажатлари учун тўлаб бериш) қонун ҳужжатлари томонидан тақиқланмаган. Бундай тарзда ўтказиб бериладиган маблағлар ҳеч қандай солиқларга тортилмайди. Лекин бунда тўлов ҳужжатларини юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш лозим. Акс ҳолда бундай тўловлар билан боғлиқ айрим муаммолар келиб чиқиши эҳтимоли йўқ эмас. Масалан, хизмат кўрсатувчи банк, солиқ органлари, тўловни қабул қилувчи коммунал хўжалик ташкилотлари муносабатларида тушунмовчиликлар юзга келиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун дивидендларни аввал мулкдорнинг шахсий пластик картасига ўтказиш, кейин эса исталган мақсадларга сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

«Norma» МЧЖ экспертлари.

? Цехда технологик ускуна ўрнатилган. Унинг 31.12.2019 йил ҳолатига қолдиқ қиймати 4 млрд сўмни ташкил этади. Ушбу технологик ускуна мол-мулк солиғи солинадиган объект бўлиб ҳисобланадими?

ТЕХНОЛОГИК УСКУНАГА СОЛИҚ СОЛИШ

– Кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солиш объекти ҳисобланади (СК 411-м. 1-қ.).

Кўчмас мулк жумласига қуйидагилар кириди:

1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколат-

ли бўлган органининг рўхсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар кириди;

3) темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин 6 ой ўтгач (СК 411-м. 2-қ.).

Цехда ўрнатилган технологик ускуна мол-мулк солиғи солиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

БУЗИЛГАН ТУРАР ЖОЙЛАР ЎРНИГА БЕРИЛАДИГАН КВАРТИРАЛАР БЎЙИЧА ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

? Ташкилотимиз жисмоний шахсларга бузилган турар жойлар учун компенсация сифатида бериш мақсадида квартиралар сотиб олди. Етказиб берувчи 15%лик ҚҚСни ажратиб кўрсатган ҳолда квартираларга ЭҲФни тақдим этди. Мазкур ҳолатда ҚҚС суммасини ҳисобга олиш мумкинми?

– Саволингизга шартнома ва жисмоний шахсларга бузилган турар жойларига ўрнига квартиралар берилишини расмийлаштириш шартларидан келиб чиққан ҳолда жавоб бериш лозим.

Квартираларни ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатган ҳолда берадиган бўлсангиз, уларни сотиб олишда тўланган ҚҚСни ҳисобга олишингиз мумкин (СК 266-м. 1-қ. 1-б.).

Квартира бепул берилганда ушбу айланмага ҚҚС солинади, шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини

оқлайдиган ҳоллар бундан мустасно (СК 239-м. 1-қ. 2-б.). Мазкур ҳолатда тўланган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли бўласиз.

Турар жой бузилганда қурувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлаши лозим. Мазкур ҳолатда квартирани бепул бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган ҳисобланади ва ҚҚС солинмайди (СК 239-м. 3-қ. 3-б.). Бу солиқ солинмайдиган айланма бўлганлиги сабабли у бўйича ҚҚСни ҳисобга олишингиз мумкин бўлмайди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА:	
<ul style="list-style-type: none"> • БОЖХОНА – Божхона соҳаси парламент назоратида – Тўғри интерпретация қиламиз 1, 15-16-бетлар • СОЛИҚ СОЛИШ – Хусусий корхона директори дивидендларидан харажатлар – Технологик ускунага солиқ солиш 	<ul style="list-style-type: none"> – Бузилган турар жойлар ўрнига бериладиган квартиралар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш 2-бет • БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР – Валютадаги қарзлар: ҳисоб юритиш ва солиқ солиш – Карантин даврида ҳомилдорлик ва туғиш бўйича нафакани ҳисоблашнинг ўзига хос жиҳатлари – Карантин шароитида амортизация
<ul style="list-style-type: none"> хисоблашнинг қайси усули фойдаланган 3-5-бетлар • АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ – Фойда солиғи қайман бўлса... 6-бет • ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет 	<ul style="list-style-type: none"> эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 7-12-бетлар • БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ – 2020 йилнинг август ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти 13-14-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ВАЛЮТАДАГИ ҚАРЗЛАР: ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА СОЛИҚ СОЛИШ

Айланма маблағларни жалб этиш вариантларидан бири – чет эл валютасида қарз олиш. «Nigma» етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА бундай қарзларнинг ҳисобини юритиш ва уларга солиқ солиш тартибини тушунтириб берди.

Валюта қарзи шартномасини тузишда нималарни эътиборга олиш лозим

– Аввало Ўзбекистон ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар, айрим ҳолларни истисно қилганда, Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилишини назарда тутиш лозим («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни 9-м.).

Валютадаги қарзларни олиш ва бериш халқаро валюта операциялари рўйхатига киради (Қонуни 15, 16-м.).

Резидент юридик шахсларнинг валютадаги счётларига чет эл валютасида олинган кредитлар, чет эл инвестициялари ва қарз бўйича ўтказилган маблағлар ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ тўловлар қайд этили-

ши мумкин (Тартиб 2.3.-банди «г» кичик банди, АВ рақами 511, 22.10.1998 й.).

Валюта ҳисобварақларидаги маблағлар кредитлар, қарз маблағлари, фойзалар ва бошқа даромадлар тўлови учун ишлагилиши мумкин (Тартиб 2.4.-банди «в» кичик банди);

Банклар резидент томонидан қарз шартномалари бўйича норезидент фойдасига амалга оширилган тўловлар билан боғлиқ валюта операциялари ҳақида солиқ органларини ҳар ойда хабардор қиладилар (Низом 1-б. «д» кичик банди, Низомга 36-илова, АВ рақами 2467, 12.06.2013 й.).

Валютадаги қарзлар ҳисобини юритиш ва уларга солиқ солишни шартли мисолда кўриб чиқамиз.

Валютадаги қарзнинг бухгалтерия ҳисоби

Ўзбекистон резиденти бўлган корхона 2020 йил 15 мартда 12%лик ставкада фойзаларни тўлаш шартли билан 100 000 АҚШ доллари миқдорига 2 ойга норезидентдан қарз олган. 2020 йил 16 майда заём қайтарилган ва фойзалар тўланган. Бухгалтерия ҳисоби:

Сана, МБ курси	Операция	Сумма, АҚШ долларларида	Сумма, сўмда	Дебет	Кредит
15.03.2020 й. 9 500,54	Чет эл валютасида қарз олинди	100 000	950 054 000	5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари»	6820 «Қиска муддатли қарзлар»
31.03.2020 й. 9 554,22	Қарз бўйича қарздорликни қайта баҳолаш		(9 554,22 – 9 500,54) x 100 000 = 5 368 000	9620 «Валюта курсидаги фарқлар бўйича зарарлар»	6820 «Қиска муддатли қарзлар»
31.03.2020 й. 9 554,22	Март (15–31 март) ойи учун қарз бўйича фойзалар ҳисобланди	100 000 x 12% / 365 x 17 кун = 558,905	5 339 901,33	9610 «Фойз тарзидаги харажатлар»	6920 «Ҳисобланган фойзалар»
30.04.2020 й. 10 130	Қарз бўйича қарздорликни қайта баҳолаш		(10 130 – 9 554,22) x 100 000 = 57 578 000	9620 «Валюта курсидаги фарқлар бўйича зарарлар»	6820 «Қиска муддатли қарзлар»
30.04.2020 й. 10 130	Фойзалар бўйича қарздорликни қайта баҳолаш		(10 130 – 9 554,22) x 558,905 = 321 806,32	9620 «Валюта курсидаги фарқлар бўйича зарарлар»	6920 «Ҳисобланган фойзалар»
30.04.2020 й. 10 130	Апрель ойи учун заём бўйича фойзалар ҳисобланди	100 000 x 12% / 365 x 30 = 986,302	9 991 239,26	9610 «Фойз тарзидаги харажатлар»	6920 «Ҳисобланган фойзалар»
16.05.2020 й. 10 137,2	Қарз бўйича қарздорликни қайта баҳолаш		(10 137,2 – 10 130) x 100 000 = 720 000	9620 «Валюта курсидаги фарқлар бўйича зарарлар»	6820 «Қиска муддатли қарзлар»
16.05.2020 й. 10 137,2	Фойзалар бўйича қарздорликни қайта баҳолаш		(10 137,2 – 10 130) x (558,904 + 986,301) = 11 125,48	9620 «Валюта курсидаги фарқлар бўйича зарарлар»	6920 «Ҳисобланган фойзалар»
16.05.2020 й. 10 137,2	Май (1–15 май) ойи учун қарз бўйича фойзалар ҳисобланди	100 000 x 12% / 365 x 15 кун = 493,151	4 999 170,32	9610 «Фойз тарзидаги харажатлар»	6920 «Ҳисобланган фойзалар»
16.05.2020 й. 10 137,2	Фойзалардан солиқ ушлаб қолинди	(558,904 + 986,301 + 493,151 x 10% = 203,836	2 066 326,30	6920 «Ҳисобланган фойзалар»	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»
16.05.2020 й. 10 137,2	Қарзни сўндириш	100 000	1 013 720 000	6820 «Қиска муддатли қарзлар»	5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари»
16.05.2020 й. 10 137,2	Фойзаларни тўлаш (солиқни чегирган ҳолда)	(558,904 + 986,301 + 493,151) – 203,836 = 1 834,522	18 596 916,42	6920 «Ҳисобланган фойзалар»	5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари»
16.05.2020 й. 10 137,2	Бюджетга солиқ тўлаш		2 066 326,30	6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Курсдаги фарқлар тўғрисида

Баланснинг валюта моддаларини ҳисобот ойнанинг охириг кунига ва ҳўжалик операцияларини содир этиш санасига МБ курси бўйича қайта баҳоланг (22-сон БҲМС 14-б., АВ рақами 1364, 21.05.2004 й.).

Қарз чет эл валютасида берилгани боис, у ва ҳисобланган фойзалар бўйича қарздор-

лик қайта баҳолашни лозим бўлган баланснинг валюта моддалари ҳисоблангани (22-сон БҲМС 15-б.).

Қарз шартномаси амал қилган давр мобайнида доллар курси ошган, бу 9620-«Валюта курсидаги фарқлар бўйича зарарлар» счётининг дебетига акс эттириладиган қарз ва



фойзалар бўйича мажбуриятларни қайта баҳолаш чоғида салбий курс фарқларини юзага келтирди.

Валюталар курслари фарқидан зарарлар – фойда солиғини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар (СК 305-м. 1-4-қ.).

Валюта счётидаги маблағлар ҳам ҳисобот ойнанинг охириг кунига ва ҳўжалик операцияларини содир этиш санасига қайта баҳолашни лозим. У баланснинг актив моддаси бўлгани сабабли, доллар курси ошганда сизда 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётининг кредитига акс эттириладиган ижобий курс фарқи юзага келади.

Валюталар курслари фарқидан даромадлар фойда солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилади (СК 320-м.).

Нотижорат ташкилотларида ижобий курс фарқи суммасининг салбий курс фарқи суммасидан ошган қисмига солиқ солинмайди (СК 318-м. 1-қ. 2-б.).

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар учун баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида ижобий ва салбий курс фарқи ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобийсидан ошган тақдирда ошган сумма айланмадан олинадиган солиқнинг солиқ базасини камайтирмайди (СК 463-м. 6-қ.).

Шартномадаги фойз ставкаси қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлса, қарз олувчининг даромадини аниқлаш керак эмас.

Қарз олувчининг даромади қайта молиялаштириш ставкаси билан шартномадаги фойз ставкаси ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланишини назарда тутувчи норма норезидентлар томонидан берилган заёмларга нисбатан татбиқ этилмайди (СК 299-м. 4, 5-қ.).

Фойзаларга солиқ солиш

Фойзалар – фойда солиғини ҳисоблаш чоғида чегириладиган харажат, қуйидаги фойзалар бундан мустасно:

- муддати ўтган ва кечиктирилган қарзлар бўйича шартномада назарда тутилган ставкалардан ортқича фойзалар (СК 317-м. 35-б.);

- назорат қилинадиган қарзлар бўйича чегириладиган харажатлар деб тан олинадиган суммалардан ортқича ҳисобланган (СК 310-м., 317-м. 26-б.).

Норезидентларга фойзаларни тўлаш чоғида халқаро шартномалар шартларини ҳисобга олган ҳолда 10%лик ставкада солиқ ушлаб қолинди (СК 353-м.).

Норезидентга даромадни тўлаш чоғида солиқ базасини солиқ агенти аниқлайди.

Бизнинг мисолда норезидентга фойзалар 2020 йил 16 майда тўланган. Фойзалар ҳар ой ҳисобланганига қарамай, солиқ суммаси ҳам ушбу санадаги курсга қараб аниқланади.

Солиқ фойзалар тўланган кундан кейинги кундан кечиктирмай тўланади (СК 355-м. 2-қ.).

Халқаро шартнома шартларига кўра фойзаларга солиқ солишининг Солиқ кодексида белгиланганидан фарқ қилувчи тартиби назарда тутилиши мумкин. Норезидент бундай халқаро шартнома иштирокчиси бўлган давлатнинг резиденти эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этса, ушбу тартибни ҳисобга олишининг керак бўлади (СК 354-м. 4-б. 4-қ., 358-м. 1-қ.).

КАРАНТИН ДАВРИДА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ БЎЙИЧА НАФАҚАНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Карантин шароитида кўп корхоналар ўз ходимларини ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқариб ёки маошларини қисқартирган ҳолда масофадан туриб ишлаш режимига ўтказиб, ўз фаолиятларини қисман ёки тўлиқ тўхтатишга мажбур бўдилар. Ходима ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлганда ёки маоши ўзгарганда, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақи қандай аниқланади? «NORMA» компанияси эксперти Дилором САИДОВА ана шу саволга жавоб берди.

– Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади (Низомнинг 49-б., АВ рақами 1136, 8.05.2002 й.).

меҳнатга вақтбай ҳақ тўланганда ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда ҳисоблаш санасидаги доимий равишда олиб келинган кўшимча тўловлар ва устамаларни

кўшган ҳолда лавозим маоши ҳамда мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан фойдаланамиз;

ишбай иш ҳақи тўланганда ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган ойнанинг биринчи кунидан олдинги сўнгги календарь ойидаги иш ҳақидан фойдаланамиз ҳамда мукофотларнинг ўртача ойлик суммасини кўшамиз.

ган таътил қайд этилмаган, шу сабабли ҳисоб-китоб қилиш даврини аниқлаш чоғида у чиқариб ташланмайди.



Ҳақ тўланмайдиган таътил, агар ушбу таътил даврига ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бошланиши тўғриси келса, ҳомиладорликнинг аризаси бўйича тўхтатилади.

МИСОЛ. Ходима бир неча йилдан буён корхонада ишлайди. Карантин муносабати билан унга 2020 йил 12 мартдан 31 майгача бўлган давр учун ҳақ тўланмайдиган таътил расмийлаштирилди. У 4 майдан бошлаб ҳақ тўланмайдиган таътилни тўхтатиши ҳақида ариза бериб, худди шу санадан бошлаб 126 календарь кунга декретга чиқди.

2019 йил майдан 2020 йил апрелгача бўлган давр, яъни 12 ой нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ҳисоб-китоб қилиш даври ҳисобланади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил бошлангунига қадар ҳақ тўланмайдиган таътил вақти ҳисоб-китоб қилиш даврига киритилади.

МИСОЛ. Нафақа суммасини ҳисоблаш

Ходима ишга қабул қилинган кундан бошлаб 10 ой ишлаган, дейлик. Апрельда у ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлган. 4 майдан бошлаб – 126 календарь кунга декретга чиқади. Лавозим маоши – 3 000 000 сўм. Ишланган давр учун ходима 9 000 000 сўмлик суммада мукофотлар олган.

Ходима ишга қабул қилинган кундан бошлаб 12 ойдан кам ишлаган, шу сабабли ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ўртача ойлик иш ҳақининг 75% миқдориде тўланади (27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699-сон қарорнинг 23-б.).

Ўртача ойлик иш ҳақини мукофотлар суммасини инobatга олган ҳолда лавозим маошидан ҳисоблаб чиқарамиз (Низомнинг 58-б.):

Ўртача ойлик иш ҳақи – 3 900 000 сўм (3 000 000 + 9 000 000 / 10). Ходима таътилда бўлган тўлиқ ойлари учун нафақа иш кунлари сонига боғлиқ бўлмай, нафақа фоизига кўпайтирилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдориде тўланади.

Таътилда бўлган тўлиқсиз ойлари учун нафақа ушбу ойдаги иш кунлари сонидан келиб чиқиб аниқланади.



Моддий наф тарзидаги, мулкӣ ва бошқа даромадлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланмайди, шу сабабли ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар ҳисоб-китобига қўшилмайди (СК 375–377-моддалари).

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш алгоритми

1. Ҳақиқий иш ҳақи

Ходима тўлиқ бўлмаган лавозим маошини олса, нафақа маоши

нинг ҳақиқатда олинадиган қисми асосида ҳисоблаб чиқарилади (Низомнинг 55-б.).

МИСОЛ. Тўлиқ ставкада ишловчи моддий бухгалтернинг лавозим маоши 4 000 000 сўмга тенг. 1 апрелдан ходимлар лавозим маошининг 0,5 ни тўлаган ҳолда масофадан туриб ишлаш режимига ўтказилди.

1 май кунини ходима ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаяқатсизлик варақасини тақдим этди. Нафақани ҳисоблаш чоғида ушбу даврда амалда бўлган ҳақиқий маош – 2 000 000 сўм қўлланилади.



Ходима декрет таътилида бўлган даврда лавозим маоши олса, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларида таътил кунларига тўғри келадиган ҳақиқий иш кунлари сонини учун кўшимча тўлов тўлаш керак бўлади (Низомнинг 59-б.).

Ходима иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлса, нафақа тариф ставкаси (лавозим маоши) ва мукофотлар

суммасини ўз ичига оладиган ўртача ойлик иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади (Низомнинг 58-б.).

МИСОЛ. Ходима учун 3 млн сўм лавозим маоши белгиланган. Карантин муносабати билан корхона фаолиятини тўлиқ тўхтатди. Ходимага 2 ойда ҳақ тўланмайдиган таътил берилди. Бу даврда у ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаяқатсизлик варақасини тақдим этди.

Бу ҳолда нафақани ҳисоблаш чоғида 3 млн сўмлик амалдаги лавозим маоши қўлланилади.

2. Ходима ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлганда ҳисоб-китоб қилиш даври

Ҳисоб-китоб қилиш даври иш ҳақининг мукофот қисмини ҳисоблаш учун керак.



Ҳисоб-китоб қилиш даври – ходима ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққан ойдан олдинги тўлиқ ишлаган ойлари сони. Ташкилотда 1 йилдан кам ишлаганлар учун ҳисоб-китоб қилиш даври – тўлиқ ишланган ойларининг ҳақиқий сони (11, 10, 9, 8 ва ҳ.к.).

Ходима куйидаги сабабларга кўра тўлиқ ишламаган ойлари ҳисоб-китоб қилиш даврига киритилмайди (Низомнинг 53-б.):

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик;
- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил;

• бола 3 ёшга тўлгунча уни парваришлаш бўйича таътил;

• ҳарбий ўқув ёки текширув йиғинларида бўлиш;

• бошқа ташкилотга ишга юбориш.

Кўриб турганимиздек, ушбу ёпиқ рўйхатда ҳақ тўланмайдиган

Нафақа тайинланган ойлари	Календарь кунлари сони	Иш кунлари сони (5 кунлик иш ҳафтасида)	Нафақа суммаси, сўмда
Май (4 майдан бошлаб)	28	20	3 900 000,00
Июнь	30	22	3 900 000,00
Июль	31	22	3 900 000,00
Август	31	21	3 900 000,00
Сентябрь	6	3 (1 сентябрдан 6 сентябргача)	3 900 000 / 21 x 3 = 557 142,86
Жами:	126	88	16 157 142,86

Ходима ҳомиладорлик ва туғиш таътилигача фақат 10 ой ишлагани сабабли нафақа 75% миқдориде тўланади:

16 157 142,86 x 75% = 12 117 857,15 сўм.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа:

- жами даромадга киритилмайди (СК 369-м. 1-қ. 7-б.);
- унга ЖШДС ва ижтимоий солиқ солинмайди;
- ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида акс эттирилмайди (4-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.).

РЕКЛАМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz.
web: www.norma.uz

КАРАНТИН ШАРОИТИДА АМОРТИЗАЦИЯ ҲИСОБЛАШНИНГ ҚАЙСИ УСУЛИ ФОЙДАЛИРОҚ

Ҳозирги шароитда раҳбарнинг асосий вазифаларидан бири корхонанинг молиявий имкониятларини сақлаб қолиш – ходимларга иш ҳақи, таътил пули ва бошқа тўловларни, бюджетга солиқларни тўлаш, бизнес фаолият юритиши нуктаи назаридан бошқа биринчи навбатдаги вазифаларни ҳал қилиш ҳисобланади. Бунинг учун ҳар бир корхона қонун ҳужжатларини бузмаган ҳолда ўз харажатларини имкон қадар мақбуллаштиришга ҳаракат қилади.

Асосий воситалар амортизацияси бундай харажатларнинг салмоқли улушини ташкил этади. «Team University» МЧЖ молиявий директори, «Profi Training» бизнес-тренери Александра ТОЛМАЧЁВА (САР, СРА, DipIFR (ACCA), CIMA (P1, P2) бухgalter.uz илтимосига кўра ҳозирги шароитда уни ҳисоблашнинг қайси усули самаралироқ эканлигини тушунтириб берди.

– «Бизнеснинг кўп турларини тўхтатиб туришга тўғри келди. Бунда корхоналар муайян харажатларни амалга оширишда давом этадилар, улардан қочиб қутулиб бўлмайди. Бундай харажатларга доимий харажатлар дейилади, ишлаб чиқариш ҳажмидан қатъи назар, корхона уларни амалга оширади. Хусусан, асосий

воситалар амортизацияси ҳам улар жумласига киради.


Эскиришни ҳисоблашнинг иккита – тўғри чизиқли ва ишлаб чиқариш усулининг афзалликлари ва камчиликларини солиштирамиз.

Амортизация ҳисоблашнинг энг кенг тарқалган ва осон усули тўғри чизиқли усул ҳисобланади:

Тўғри чизиқли усул	
афзалликлари	камчиликлари
Ҳисоб-китоб қилиш осон	Кўп компаниялар учун асосий воситадан фойдаланишнинг реал моделини акс эттирмайди. Мисол учун, сервер ва тармоқ ускуналари, қимматбаҳо ноутбуклар, шахсий компьютерлар фойдаланишнинг дастлабки йилларида тезроқ ишлайди, демак, кўпроқ наф келтиради. Шу сабабли ишлатилаётган илк йилларда бундай турдаги ускуналар бўйича эскиришни кўпроқ ҳисоблаш керак. Бундан ташқари, бундай ускуна техник жиҳатдан тез эскиради ва алмаштиришни талаб қилади, шу сабабли бунда жадаллаштирилган эскириш усуллари кўпроқ мос келади
Солиқ солиш мақсадида СКда келтирилган амортизация нормаларини қўллаш мумкин	
Дастурий таъминотга қўшимча ишлов бериш талаб этилмайди (мисол учун, 1С)	
Ускунанинг ишлаш кўрсаткичларини чуқур ўрганишни (масалан, маҳсулот ишлаб чиқарилишини аниқлашни) талаб этмайди	Корхона бекор туриб қолган вақтда ҳам АВнинг эскириши бўйича харажатларни амалга оширади

Ҳисоб-китоб қилиш мураккаброқ бўлгани сабабли амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули кенг тарқалмаган:

Ишлаб чиқариш усули	
афзалликлари	камчиликлари
Асосий воситадан фойдаланишнинг реал моделини акс эттиради: • юкламаси кўп бўлган даврда эскириш бўйича харажатлар юқорироқ бўлади; • бекор туриб қолган вақтда эскириш бўйича харажатлар нолга тенг бўлади	Ҳисоб-китоб қилиш мушкул, сабаби ҳар ой эскириш бўйича харажатни ҳисоб-китоб қилиш учун база сифатида – бутун фойдали ишлатиш муддатида жами ишлаб чиқарилган маҳсулотни аниқлашни талаб этади



Ишлаб чиқариш усули	
афзалликлари	камчиликлари
	Одатда, дастурий таъминотга қўшимча ишлов беришни талаб этади (1С, 1Uz)

Эскириш ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб бўлган соҳаларда ишлаб чиқариш усулини қўллаш тавсия этилади. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида, ташиш хизматларини кўрсатадиган компанияларда ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш усулини қўллаш учун АВ объектнинг бутун хизмат муддатида ишлаб чиқарилган маҳсулотни аниқлаш лозим. Кор-

хона ушбу ахборотни асосий воситанинг техник ҳужжатларидан (техпаспорт) олиши мумкин. Бироқ техник паспортларда ҳар доим ҳам бундай ахборот бўлмайди. У ҳолда ушбу асосий восита сотиб олинган ишлаб чиқарувчи заводга ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг тахминий энг кўп ҳажми ҳақида расмий сўровнома йўллаш лозим.

МИСОЛ. Амортизация турли усулларда ҳисобланганда харажатларни солиштириш

Полиэтилен флаконлар ишлаб чиқарувчи корхона қиймати 75 000 000 сўмлик янги ускунани ишга туширди. Корхона машина ва ускуналар учун эскиришни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулини қўллайди. Техник тавсифларига кўра ускунанинг бутун хизмат муддатидаги энг юқори ишлаб чиқариш қуввати 100 000 000 маҳсулот бирлигини ташкил этади.

2020 йил март ойи давомида компания 1 000 000 флакон бирлигини ишлаб чиқарган.

2020 йил март ойи учун эскиришни ҳисоб-китоб қилиш:

1 бирлик маҳсулот учун эскириш = 75 000 000 сўм / 100 000 000 бирл. = 0,75 сўм / бирл.

2020 йил март ойи учун эскириш = 0,75 сўм х 1 000 000 бирл. = 750 000 сўм.

Мазкур корхона эскиришни тўғри чизиқли усул билан ҳисоблайди, дейлик. Ҳисоб сиёсатида кўра бир йилда машина ва ускуналар учун эскириш нормаси 15%ни ташкил этади.

2020 йил март ойи учун эскириш = 75 000 000 х 15% / 12 ой = 937 500 сўм.

Энди корхона карантин сабабли 2020 йил апрелда ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлганини инобатга олган ҳолда 2020 йил март-апрель ойлари учун ишлаб чиқариш ва тўғри чизиқли усуллар билан ҳисобланган эскириш бўйича харажатларни солиштирамиз.

Ишлаб чиқариш усули	Тўғри чизиқли усул
2020 йилнинг март ойи	
750 000 сўм	937 500 сўм
2020 йилнинг апрель ойи	
0 сўм	937 500 сўм

Келтирилган мисолдан кўринганидек, ишлаб чиқариш усули уни қўллаш билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, бизнес юритиш ва маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини тўғри аниқлаш нуктаи назаридан иқтисодий жиҳатдан кўпроқ ўзини оқлайди. Ёдингизда бўлсин:

• қўлланилаётган амортизация усу-

ли бухгалтерияга оид ҳисоб сиёсатида акс эттирилган бўлиши керак, уни календарь йил давомида ўзгартириб бўлмайди;

• СК 306-моддасида белгиланган чекланган нормалардан ортиқ бўлмаган амортизация харажатлари суммалари чегираладиган харажатлар жумласига киритилади.

2-БОБ. ТОВАРЛАРГА (ХИЗМАТЛАРГА) ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТ БЎЙИЧА УМИД ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚАРЗДОРЛИК ЮЗАСИДАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

5. Солиқ тўловчи олдинги ҳисобот (солиқ) даврларида солиқ солинадиган даромадлар олиш билан боғлиқ бўлган умид қилиб бўлмайдиغان қарздорликларни чегириб ташлашга ҳақли.

Бунда умид қилиб бўлмайдиغان қарздорликларни чегириб ташлашга фақат қарз ҳисобдан чиқарилган ва солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилган тақдирда йўл қўйилади.

6. Мажбуриятлар бекор қилиниши оқибатида қарздор томонидан сундирилиши мумкин бўлмаган ундирилиши умид қилиб бўлмайдиغان қарздорлики ҳисобдан чиқариш тўғрисида корхона раҳбарининг фармойишини чиқариши учун қуйидаги ҳужжатлар асос ҳисобланади:

суд ҳал қилув қарорига биноан мажбуриятлар тугатилганлиги;

банкротлик (иктисодий суднинг банкрот юридик шахсини тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисидаги акрими);

ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисидаги якуний ҳисоботи;

қарздор жисмоний шахс вафот этганлиги ёки жисмоний шахс вафот этган деб эълон қилинганлиги;

қарздорликнинг даъво қилиш мuddати ўтганлиги.

7. Қуйидаги ҳолларда қарздорликлар умид қилиб бўлмайдиغان қарздорлик деб эътироф этилмайди:

ҳужжатлар билан тасдиқланмаган қарздорлик;

ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш билан боғлиқ кечкишлардан ҳосил бўлган қарздорлик;

даъво мuddати оралигида қарз бeрyвчи томонидан ўз пул маблағлари ёки активларини мuddати ўтказиб юборилган ҳолда узоқ вақт мобайнида қарзни ундириш чоралари кўрилмаган қарздорлик;

кафолатли (кафйлик мажбурияти олинган) қарздорлик; солидар шартнома шартлари асосида юзага келган қарздорлик.

8. Солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадлари учун қарздорлики бекор қилиш мезонлари ҳисоб сибсатида аниқланиши лозим.

3-БОБ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИГИ БАЗАСИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ

9. Солиқ базасига уни камайитириш ёки қўпайитириш тарафга тузатиш киритиш бир йиллик мuddат доирасида, кафолат мuddати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса кафолат мuddати доирасида амалга оширилади.

10. Тадбиркорлик субъекти томонидан умид қилиб бўлмайдиغان қарздорлики ҳисобдан чиқариши учун қарздорлик суммаси юзага келганлигини ҳамда даъво мuddати ўтганлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар жамланган бўлиши зарур. Бунда:

тўлов мuddати аниқ белгиланган шартнома;

шартнома шартларига мувофиқ берилган товар моддий қийматликларни ўтказиш бўйича ҳисобварақ-фактуралар ҳамда товарлар (хизматлар)ни қабул қилиш далолатномалари;

тўлов топшириқномалари, шунингдек, охириги ҳисобот даврида тузилган ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган дебитор қарздорлик ҳақиқатдан қайтарилмаганлигини тасдиқловчи инвентаризация ҳисоботи;

умид қилиб бўлмайдиغان дебитор қарздорлики ҳисобдан чиқариш юзасидан чиқарилган корхона раҳбари фармойиши.

Шунингдек, солиқ тўловчи олдида дебитор қарздорлик юзага келганлиги юзасидан молиявий операцияларни тасдиқловчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлари бўлиши мумкин.

11. Солиқ базасига тузатишлар киритиш вақтида уни амалга оширувчи солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи тўловчи сифатида рўйхатда турган бўлиши лозим.

12. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича қарздорлик суммаси суд органлари томонидан умид қилиб бўлмайдиغان қарздорлик деб топилса, қўшилган қиймат солиғини тўловчи бундай қарздорлик бўйича солиқ солинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш суммасига мос равишда камайитиради.

13. Умид қилиб бўлмайдиغان қарздорлик ҳисобдан чиқарилганда солиқ солинадиган айланма суммаси товарларни (хизматларни) реализация қилишда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактурада акс эттирилган кўрсаткичлар бўйича, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи ставкаси миқдориди, солиқ солинадиган айланма сумма доирасида камайитирилади.

14. Қарздорлик ҳисобдан чиқарилганда тарафлар томонидан шартнома шартларига мувофиқ ҳисобланган жарима ва пеня суммалари тузатиш киритиш суммасига киритилмайди.

15. Қўшилган қиймат солиғи базасига тузатиш киритиш бир нечта айланмалар расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура бўйича қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$СҚҚС = Қ \times Сс\%$$

Бунда:

СҚҚС – жами амалга оширилган айланмалар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси;

Қ – жами реализация қилинган товарлар (хизматлар) қиймати.

Сс – солиқ ставкаси.

16. Товарлар (хизматлар) реализациясини амалга оширган корхона томонидан аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этилганда тузатиш киритилган тегшли ўзгаришлар қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобига 1-илова «Солиқ давридаги товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар»да акс эттирилади.

17. Товарлар (хизматлар) реализациясини амалга оширган корхона томонидан солиқ базасига тузатишлар киритиш амалга оширилганда харидор томонидан илгари ҳисобга қабул қилинган солиқ суммасига тегшли тартибда тузатиш киритади.

18. Товарлар (хизматлар)ни харид қилишда илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинган солиқ суммаси, агар бундай товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбурият умид қилиб бўлмайдиغان қарздорлик ҳисобланса, бундай тузатиш амалга оширилган солиқ даврида ҳисобдан чиқарилади.

19. Солиқ суммасига тузатиш киритишда агар харидор томонидан қабул қилиб олинган тузатиш киритилмайдиган ҳисобварақ-фактураларда солиқ солинадиган ва солинмайдиган айланма мавжуд бўлса, қўшилган қиймат солиғи суммаси мутаносиб усулда аниқланади.

20. Солиқ базасига тузатиш киритишда, бир нечта айланмалар расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси мазкур низомнинг 15-бандида келтирилган формула орқали амалга оширилади.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

21. Солиқ тўловчи солиқ ва молиявий ҳисоботларга киритилган тузатишлар учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

22. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА*

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 30 декабрдаги УРҚ–599-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш буйича мажбурият умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик деб эътироф этилганда ва уни ҳисобдан чиқариш лозим бўлган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи базасига тузатиш киритиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Чет эл юридик шахсларида иштирок этиш тўғрисидаги хабарномаларнинг шакллари, уларни тўлдириш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага** мувофиқ;

Назорат қилинадиган чет эл компаниялари ҳақидаги хабарномаларнинг шакллари, уларни тўлдириш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорга 5 ва 6-иловалар 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоканьяси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритсинлар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда ҳисобот топшириш муддатларига риоя қилмаган ҳамда тўлов интизомини бузган тадбиркорлик субъектлари мансабдор (жисмоний) шахсларига нисбатан маъмурий жарима қўллаш ваколатини солиқ органларига беришни ва солиқ ҳуқуқбузарликка оид ишларни электрон юритиш тизимини жорий этишни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари буйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 14 август
489-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига
1-ИЛОВА

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ СУММАСИ ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш шартлари ва тартибини белгилайди.

2. Қўшилган қиймат солиғининг (кейинги ўринларда – солиқ) салбий фарқ суммасини қоплаш, шу жумладан, бошқа солиқлар буйича қарздорликни узиш ҳисобига қоплаш Солиқ кодексига ва ушбу Низомга 1-иловада*** келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқ суммасини қайтаришга ҳамда

чет давлат фуқароларига солиқ суммаси ўрнини қоплашга (TAX FREE) нисбатан ушбу Низом қоидалари татбиқ этилмайди.

4. Ушбу Низом мақсадларида қоланиши лозим бўлган солиқ суммаси деганда Солиқ кодексига мувофиқ аниқландиган, товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир операцияларнинг солиқ базасидан ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан олинган товарлар (хизматлар) буйича ҳисобга олинандиган солиқ суммаси ўртасидаги салбий фарқ тушунилади.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.08.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 5–6-иловалар «СБХ»нинг келгуси сонида берилади.

***Низомларга 1–8 ва 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nnt.uz сайтида танишиш мумкин.

Бунда хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари, шунингдек, маҳсулот тақсимидаги оид битим иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича етказиб берувчиларга товарлар (хизматлар) қийматида тўланган солиқ суммаси тушунилади.

5. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари, шунингдек, маҳсулот тақсимидаги оид битим иштирокчиларига (агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса) ноль даражали ставкани қўллашда қопланиши лозим бўлган солиқ суммаси ушбу Низомнинг 7 ва 8-бобларида белгиланган тартибда ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

6. Солиқ суммаси ўрнини қоплаш масаласи қоида тариқасида солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ бошқармаси томонидан, йирик солиқ тўловчилар бўйича эса йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси топширигига асосан солиқ тўловчининг аризаси ва тақдим этилган ҳужжатлари солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдан ўзга жойдаги солиқ органлари томонидан кўриб чиқилиши ва қарор қабул қилиниши мумкин.

7. Солиқ суммаси солиқ тўловчига солиқ органининг солиқ суммаси ўрнини қоплаш тўғрисидаги қарори асосида солиқ суммасини қоплаш (қайтариш) тўғрисидаги ариза тушган санадан эътиборан олти кундан, ушбу Низомнинг 6-бобида кўрсатилган тартибда эса етти кундан кечиктирмай қайтарилиши лозим.

2-БОБ. СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚОПЛАШ УЧУН АСОС БЎЛУВЧИ ҲУЖАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

8. Солиқ суммасининг қопланиши солиқ тўловчининг ушбу Низомга 2-иловага*** мувофиқ шаклдаги қўшилган қиймат солигининг қопланиши лозим бўлган суммасини қайтариш тўғрисидаги аризаси асосида амалга оширилади.

9. Ариза солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тақдим этилади.

10. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлари томонидан солиқ органига бевосита ёки бюртомта хати билан почта алоқаси хизмати орқали ушбу Низомга 3-иловага*** мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этилади.

11. Хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди деб эътироф этилмаган ҳолатларда контракт ҳамда хорижий харидор томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси ушбу хизматлар ҳақиқатда реализация қилинганлигини (кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Бунда, воситачилик шартномасига асосан воситачининг (агентнинг) воситачилик ҳақи суммаси кўрсатилган хизматлар учун комитент ҳисобидан воситачига келиб тушган суммадан ушлаб қолинганлигини тасдиқловчи ҳисобот (бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома) тақдим этилади.

Ушбу хизматлар бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали кўрсатилган бўлса (электрон шаклдаги хизматлардан ташқари), контракт ҳамда хорижий харидор томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси ушбу хизматлар ҳақиқатда реализация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

12. Хизматлар электрон шаклда кўрсатилган бўлса, умум-қабул қилинган хорижий амалиётта мувофиқ тузилган ҳисобот ва кўрсатилган хизматлар учун хорижий харидор томонидан тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси ушбу хизматлар ҳақиқатда реализация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

13. Сув таъминоти, канализация, санитария жиҳатдан тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар Солиқ кодексининг 264-моддаси учинчи қисмида қайд қилинган шахсларга кўрсатилганда аризага ушбу Низомга 4-иловага*** мувофиқ шаклда реализация қилинган сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти хизматлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

3-БОБ. ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

14. Экспорт операциялари бўйича солиқ суммаси ўрнини қоплаш тўғрисидаги аризага қўйиладиган ҳужжатлар илова қилинади: контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар белгиланган мамлакатга жўнатирилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар;

товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (ишонч билдирувчи) томонидан қўшимча тарзда солиқ тўловчининг воситачи ёки ишончли вакил билан тузилган воситачилик шартномаси ёки топширик шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

йўловчилар, бағажлар, юklar ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича хизматлар реализация қилинганда - ушбу Низомга 5-иловага*** мувофиқ шаклда тўлдирилган йўловчилар, бағажлар, юklar ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича ягона халқаро ташиш ҳужжатлари реестри; валюта маблағлари тушганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси;

ушбу Низомга 6-иловага*** мувофиқ шаклдаги товарлар экспорт қилинганлиги ва валюта маблағлари тушганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

товарлар экспорт қилинганлигини тасдиқлаш учун амалга оширилаётган фаолиятнинг турига қараб бошқа ҳужжатлар.

Агар ушбу банднинг иккинчи-олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида мавжуд бўлса, мазкур ҳужжатларни солиқ органига тақдим этиш талаб этилмайди.

15. Солиқ кодексининг 262-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларга нисбатан солиқ суммаси ўрнини қоплашда ушбу Низомнинг 14-банди иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар талаб этилади.

16. Ноль даражали ставка қўлланиши натижасида ҳосил бўлган ва қопланиши лозим бўлган солиқ суммасининг асосланганлигини тасдиқлаш учун солиқ тўловчи аризага ушбу Низомга 7-иловага*** мувофиқ шаклда солиқ тўловчига қоплаб берилиши лозим бўлган солиқ суммаси бўйича ҳисоб-китобни илова қилиди.

Бунда товарларни экспортга жўнатиш ва жўнатилган товар учун тўловлар турли чет эл валютасида амалга оширилган бўлса, юклаб жўнатиш амалга оширилган санадаги чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада (сумда) қайта ҳисоблаб чиқишининг ушбу Низомга 7а-иловадаги*** шаклга мувофиқ ҳисоб-китобни илова қилиди.

б) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асосланган бўлса;

в) қонун ҳужжатлари қоидаларидан келиб чиққан бўлса.

5. Агар ушбу Низомда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ базаси Солиқ кодексининг 248-моддаси биринчи қисмида белгиланган тартибда аниқланади. Бунинг ақси исботланмагунча қадар мазкур қиймат бозор нархларига мувофиқ келади деб қабул қилинади.

6. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган битимларни (операцияларни) амалга ошираётганда товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати куйидагиларни қўллаган ҳолда аниқланиши мумкин:

ўзининг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);
ахборот-наrx агентликлари маълумотлари;
оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;
биржа хабарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўроғга қўра тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг божхона статистикаси;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда нархларни белгилаш учун нормативларни ўрнатадиган ваколатли органларнинг маълумотлари.

Агар товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати кўрсатиб ўтилган органларда турлича бўлса, солиқ солиш мақсадларида уларнинг ўртача қиймати инобатга олинади.

7. Товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматини ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган тартибда аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, бундай қиймат баҳоловчи ташкилотларнинг хулосалари асосида ёхуд харажатларни индексациялаш усулидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

8. Товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматини харажатларни индексациялаш усулидан фойдаланган ҳолда аниқлашда, муайян тармоқнинг саноат махсулотларининг харид қилиш санасидан бошлаб реализация қилиш санасигача бўлган даврда ушбу тармоқлардаги статистика органи томонидан эълон қилинадиган нарх қимматлашуви индекслари асосида ҳисобланади.

Бунда саноат махсулоти айнан қайси тармоққа тегишли эканлигини аниқ белгилаш имконияти бўлмаган тақдирда, саноат бўйича умумий индекс қўлланилади.

Функционал ёки иқтисодий жиҳатдан эскирган асосий воситалар ва товарларнинг бозор қиймати баҳоланаётганда дастлабки харажатларни индексациялаш усулини қўллашда

қолган иқтисодий хизмат қилиш муддати ёки тегишли эскириш фойзи ҳисобга олинади.

9. Товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматини аниқлашда ўзаро боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасида битимлар тузишда нархларга қўйиладиган одатдаги устамалар ёки чегирмалар ҳисобга олинади. Хусусан, куйидагилар юзга келтирган чегирмалар ҳисобга олинади:

товарларга нисбатан бўлган истеъмол талабининг мавсумий ва бошқа тебранишлари;

товарларнинг сифат ёки бошқа истеъмол хусусиятларини йўқотиши;

товарларнинг яроқлилик ёки реализация қилиш муддатларининг тугаши (туғаш санасининг яқинлашиши);

маркетинг сиёсати, шу жумладан, унга ўхшаш товарлар бўлмаган янги товарларнинг (хизматларнинг) бозорга кириб бориши, шунингдек, товарларнинг (хизматларнинг) янги бозорларга кириб бориши;

ўстеъмолчиларни улар билан таништириш мақсадида товарларнинг тажриба моделлари ва намуналарини реализация қилиш.

10. Солиқ органи битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан фарқ қиладиган (у ёки бу томонга) қийматини қўллагани далили аниқланган тақдирда, Солиқ кодексининг 248-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ бозор қийматидан келиб чиқиб ҳисоблангани каби ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли.

11. Солиқ органининг ушбу Низомга мувофиқ товарлар (хизматлар) бозор қийматидан келиб чиқиб ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш тўғрисидаги қарори Солиқ кодексининг 223 ёки 224-моддаларида назарда тутилган молиявий жарималарни қўллашга олиб келмайди.

12. Солиқ тўловчи солиқ органининг ҚҚС бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш тўғрисидаги қарори юзасидан битимнинг (операциянинг) қиймати бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашда бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолаштишга ҳақли.

13. Ушбу Низомнинг 5–9-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар билан чекланмаган ҳолда битим (операция) натижаларини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай вазиятлар суд тартибиде амалга оширилади.

3-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

14. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу Низомга риоя этишини назорат қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига
4-ИЛОВА

ТОВАРЛАРГА (ХИЗМАТЛАРГА) ҲАҚ ТўЛАШ БўЙИЧА МАЖБУРИЯТ УМИД ҚИЛИБ БўЛМАЙДИГАН ҚАРЗДОРЛИК ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАНДА ВА УНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ЛОЗИМ БўЛГАН ҲОЛЛАРДА ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БАЗАСИГА ТУЗАТИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ ТўҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбурият умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик деб эътироф этилганда ва уни ҳисобдан чиқариш лозим бўлган ҳолларда солиқ тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғи базасига тузатиш киритиш тартибини белгилайди.

2. Товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбурият умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик деганда қонунчиликка мувофиқ даъво қилиш муддати ўтган ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан қўрилган зарарлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши шубҳали қарзларни ҳисобдан чиқаришдан қўрилган зарарлар тушунилади.

3. Солиқ тўловчи томонидан солиқ базасига тузатиш киритиш, товарларга (хизматларга) ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик деб эътироф этилганда ва уни ҳисобдан чиқариш лозим бўлган ҳолларда амалга оширилади.

4. Мазкур Низом талаблари Солиқ кодексининг 15-моддасига асосан лозим даражада эҳтиёткорлик қилмаган солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда қарздорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан солиқ тўлашдан бўйин товланганлик ҳамда солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари аниқланиб жиноят иши қўзғатилганлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъект тугатилганда банкрот деб эътироф этиш орқали ҳосил бўлган тушунилади.

умумлаштирилган ҳолда бир томонлама электрон ҳисобварақ-фактуранни шакллантиради. Товарлар экспорти бўйича БЮД расмийлаштирилган ҳолатлар бундан мустасно.

Сотиб олувчининг талабига асосан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактуралар қиймати умумлаштирилган ҳолда бир томонлама шакллантириладиган электрон ҳисобварақ-фактуранинг қийматига киритилмайди.

Умумлаштирилган ҳолдаги бир томонлама электрон ҳисобварақ-фактура товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунига қадар, товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойнинг охири кунидagi сана билан шакллантирилади.

60. Товарлар (хизматлар) экспорти (БЮД расмийлаштирилмайдиган ҳолатлар) бўйича етказиб беришни электрон ҳисобварақ-фактуранинг ўзи шакллантиради. Бунда сотиб олувчининг фақат номи қайд этилади ҳамда норезидент сўзи қўшиб ёзилади.

61. Электрон ҳисобварақ-фактуранинг имзолаш:

юридик шахс номидан-ташқилот раҳбари ёки ташқилот номидан берилган ишончнома ёки бошқа ҳужжат билан ваколат берилган шахслар номига расмийлаштирилган электрон рақамли имзо орқали;

якка тартибдаги тadbиркор номидан-якка тартибдаги тadbиркор ҳисобланувчи жисмоний шахснинг электрон рақамли имзоси орқали;

жисмоний шахс номидан-жисмоний шахснинг электрон рақамли имзоси орқали амалга оширилади. Бунда жисмоний шахс электрон рақамли имзога эга бўлмаса, унга юборилган электрон ҳисобварақ-фактура автоматик тарзда тасдиқланади ва электрон ҳисобварақ-фактура икки нусхада қоғоз шаклида чоп этилади ҳамда бир нусхаси жисмоний шахсга тақдим этилади, иккинчи нусхаси товарлар (хизматлар) олинганлиги тўғрисидаги жисмоний шахснинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда солиқ тўловчида сақланади.

Қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартиби тўғрисида Низом

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартибини белгилайди ва қўйидагиларга нисбатан таъбиқ этилади: товарларни (хизматларни) бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаб реализация қилишда;

юридик шахснинг мол-мулкидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (кейинги ўринларда – Солиқ кодекси) 239-моддаси тўртинчи қисми 6-бандига мувофиқ шахсий мақсадларда фойдаланишда;

агар Солиқ кодексининг 239-моддаси биринчи қисми 2-бандида ёки иккинчи қисмининг 2-бандида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (хизматларни) бепул беришда (қўрсатишда).

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати – товарларнинг (хизматларнинг) эҳтимолга энг яқин ва адолатли қиймати, шу жумладан, ваколатли органлар, баҳолаш ташқилотлари томонидан аниқланадиган ва (ёки) белгиланган, товарлар (хизматлар) бозорига реализация қилиниши (қўрсатилиши) мумкин бўлган қиймат;

товарларнинг (хизматларнинг) бозори – хариддорнинг (сотувчининг) товарларни (хизматларни) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида қўшимча харажатларсиз олиш (реализация қилиш) имкониятидан келиб чиқиб аниқланадиган товарларнинг (хизматларнинг) муомалада бўлиш соҳаси.

Қонун ҳужжатларида товарларнинг (хизматларнинг) қиймати бозор қиймати сифатида аниқлашга нисбатан молиявий

62. Электрон ҳисобварақ-фактурага қўшимча ҳужжатларни илова қилиш мумкин. Электрон ҳисобварақ-фактуранинг электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши илова қилинган ҳужжатларнинг ҳам электрон рақамли имзо билан тасдиқланганлигини фойдалайди.

63. Етказиб беришни томонидан тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактура ўн календарь кун ичида сотиб олувчи томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ёки сабаби кўрсатилган ҳолда рад этилиши шарт.

Сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда тасдиқланмаган ёки рад этилмаган электрон ҳисобварақ-фактура тасдиқланган ҳисобланади.

64. Электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш ва қабул қилиш бўйича белгиланган муддатнинг охири кунни қонун ҳужжатларида мувофиқ дам олиш ва (ёки) иш куни бўлмаган кун деб эътироф этиладиган кунга тўғри келса, дам олиш кунидан ва (ёки) иш куни бўлмаган кундан кейинги иш куни муддатнинг тамом бўлиш кунини деб ҳисобланади.

65. Сотиб олувчи шахсий кабинетга тушган ва тасдиқланган электрон ҳисобварақ-фактуранинг ҚҚСни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олиниши ёки олинмаслиги тоифасини белгилайди.

66. Қўшимча ёки тузилган ҳисобварақ-фактуралар ушбу Низом 5-бобига мувофиқ электрон кўринишда расмийлаштирилади.

67. Товарлар транспорт воситасида ташилганда электрон шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура QR кодага эга бўлган электрон тарзда ёки қоғоз нусхаси чоп этилган ҳолда ташувчига тақдим этилади.

8-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

68. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига 3-ИЛОВА

ҳисоботларнинг халқро стандартларидан мажбурий тарзда фойдаланиш лозимлиги белгиланган тақдирда, мазкур стандартларда белгиланган қоидалардан фойдаланилади.

2-БОБ. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ВА ТўЛШ ЧОҒИДА ТОВАРЛАРНИНГ (ХИЗМАТЛАРНИНГ) БОЗОР ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

4. Солиқ органлари томонидан қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда – ҚҚС) тўғри ҳисобланиши юзасидан ўтказилаётган солиқ текширувларида қуйидаги битимлар (операциялар) бўйича солиқ базаси товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланганлиги ўрганилади:

товарларни (хизматларни) бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаб реализация қилишда, шу жумладан, товар айирбошлаш (бартер) операциялари бўйича;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзига тегишли мол-мулкни (хизматларни), агар бундай мол-мулк (хизматлар) бўйича солиқ суммаси тўлиқ ёки қисман ҳисобга олинган бўлса, бошқарув органи аъзоларига, ходимларга, уларнинг оила аъзоларига ёхуд бошқа шахсларга солиқ тўловчининг тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий мақсадларда фойдаланиш учун беришда (хизматлар кўрсатишда);

товарларни (хизматларни) бепул бериш, бунда шундай бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган деб эътироф этилганда. Бундай товарларни бепул бериш ёки бепул хизматлар кўрсатиш Солиқ кодексининг 239-моддасига мувофиқ қуйидаги шартлардан ҳеч бидлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

а) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

17. Солиқ тўловчининг аризаси ушбу Низомда назарда тутилган иловаларсиз тақдим этилса, ушбу ариза солиқ органи томонидан кўриб чиқилмаган ҳолда беш кун мобайнида солиқ тўловчига қайтарилади. Аризаси кўриб чиқилмаган ва қайтарилган солиқ тўловчи, ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қайта ариза беришга ҳақли.

4-БОБ. ҚОПЛАНАДИГАН СОЛИҚ СУММАСИНИНГ АСОСЛАНГАНЛИГИ ЮЗАСИДАН КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ

18. Қоплашни назарда тутилган солиқ суммасининг асосланганлиги юзасидан солиқ органи камерал солиқ текширувини ўтказиши мумкин. Камерал солиқ текшируви солиқ органининг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғисиз амалга оширилади.

Бунда аризада кўрсатиб ўтилган солиқ даври бўйича қўшилган қиймат солиқининг тўғри ҳисобланиши юзасидан аввал солиқ аудити ўтказилган бўлса, қоплашни назарда тутилган солиқ суммасининг асосланганлиги юзасидан камерал солиқ текшируви ўтказилмайди.

19. Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан ариза тақдим этилган кундан кейинги кундан бошланади ва эллик кунгача бўлган муддатда яқунла-ниши лозим.

20. Камерал солиқ текширувини ўтказиш даврида солиқ органи зарур ҳужжатлар ва мавжуд товар-моддий бойлик-ларни ўрганиши, кўздан кечириш ҳамда учинчи шахслардан тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни (ахборотни) талаб қилиб олиш мақсадида Солиқ кодексининг 145-моддасида назарда тутилган тартибда ҳудудни ва биноларни кўздан кечириш, Солиқ кодексининг 146-моддасида назарда тутил-ган тартибда ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳамда Солиқ кодексининг 147-моддасида назарда тутилган тартибда учинчи шахслардан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

21. Солиқ органининг мансабдор шахси камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳолатларни баён этган ҳолда ҳулоса расмийлаштиради ва бир кундан кечиктир-май тегишли қарор қабул қилиш учун солиқ органи раҳбарига (ўринбосарига) киритади.

22. Солиқ суммасини қоплаш бўйича ўтказилаётган каме-рал солиқ текшируви яқини бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан солиқ суммасини қоплаш (тўлиқ ёки қисман) ёки қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

23. Солиқ суммасини қоплаш (тўлиқ ёки қисман) ёки қоплашни рад этиш тўғрисидаги қарор солиқ тўловчининг аризаси олинган кундан бошлаб эллик кундан ошмаган муддатда қабул қилиниши лозим.

24. Қарор кириш, тавсиф-асослантириш ва қарор қисмла-ридан иборат бўлади.

Кириш қисмида: қарор қабул қилинган вақт, жой, қарорни қабул қилган мансабдор шахснинг Ф.И.О., лавозими, солиқ тўловчининг номи, солиқ тўловчининг идентификацион ра-қами (СТИР), аризининг солиқ органида рўйхатга олинган санаси ва рақами, қоплашни сўралаётган солиқ суммаси кўрсатилади.

Тавсиф-асослантириш қисмида: камерал солиқ тек-шируви ўтказган мансабдор шахснинг Ф.И.О., лавозими, бошқа солиқлардан бўлган солиқ қарзини қоплаш ҳисобига йўналтирилаётган солиқ суммаси, банк ҳисобварағига қоп-лашни (қайтарилиши) лозим деб топилган солиқ суммаси, қоплашни рад этилган (тўлиқ ёки қисман) ҳолларда эса, рад этиш асослари батафсил баён қилинади.

Қарор қисмида: бошқа солиқлардан бўлган солиқ қар-зини қоплаш ҳисобига йўналтирилаётган солиқ суммаси, солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига қайтарилиши лозим деб топилган солиқ суммаси, қоплашни рад этилган ҳол-ларда рад этилган (тўлиқ ёки қисман) солиқ суммаси ҳамда рад этилган солиқ суммаси миқдоридида солиқ ҳисоботида

тузатиш киритиш мажбурияти, қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кўрсатилади.

25. Солиқ суммасини қоплашни рад этишни (тўлиқ ёки қисман) ўз ичига олган қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилинади:

солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳуж-жатлар мавжуд бўлмаганда;

товарлар (хизматлар) харид қилинишида ҳисобварақ-факту-ралар электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимида расмийлаштирилмаганда;

солиқ тўловчи томонидан реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактураларни расмийлаш-тириш тўлиқ электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизими орқали амалга оширилмаганлиги аниқланганда;

ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, қалбаки ёки кўзбўямачилик учун битимлар тузиш (операциялар амалга ошириш) орқали солиқни тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик фактлари аниқ-ланганда;

битимлар (операциялар) ҳақиқий эмас ва тадбиркорлик фаолияти доирасида даромад олишга қаратилмаган ёки (ва) иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган деб топилганда;

солиқ тўловчи томонидан сўралган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилганда, шунингдек, ҳудудни, ишлаб чиқариш, омборхона, шу жумладан, солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёки солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечиришга, сайёр солиқ текширувини ўтказишга тўсқинлик қилинганда.

26. Солиқ органи томонидан қабул қилинган қарор солиқ тўловчига унинг шахсий кабинети орқали, ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кундан кечиктирмай юбори-лади.

27. Солиқ суммасини қоплаш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида қарор қабул қилинганда қоплашни асосли деб топилмаган солиқ суммаси юзасидан Солиқ кодексининг 138-моддасига асосан умумий тартибда камерал солиқ текшируви ўткази-лади.

28. Солиқ органининг қарорига асосан қоплашни рад этил-ган солиқ суммаси юзасидан солиқ тўловчи асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

Аризани қайта кўриб чиқишда илгари солиқ суммасини қоплашни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилмаган янги асослар бўйича солиқ суммасини қоплашни рад этишга йўл қўйилмайди.

5-БОБ. СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

29. Солиқ органининг қарорига солиқ суммасини (тўлиқ ёки қисман) қоплаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ солиқ органи бир кун муддатда қоплашни лозим бўлган солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали солиқ тўловчининг бошқа солиқлардан бўлган солиқ қарзини узишни Солиқ кодексининг 104-моддасига асосан мустақил равишда амалга оширади.

30. Солиқ тўловчининг бошқа солиқлардан бўлган солиқ қарзини узиш амалга оширигандан сўнг солиқ органи томо-нидан бир кун муддатда солиқ суммасининг қолган қисми бўйича ушбу Низомга 8-иловага*** мувофиқ шаклда солиқ суммасини қайтариш тўғрисидаги ҳулоса расмийлаштири-лади ва электрон шаклда (ДСҚ электрон ахборот тизими) орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазна-чилигига юборилади.

31. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ДСҚ ахборот тизими орқали солиқ органларининг ҳулосасини олгандан сўнг Давлат бюджети маблағлари доирасида бир кунда автоматик тарзда солиқ суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказиши.

6-БОБ. СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚОПЛАШНИНГ ТЕЗЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ

32. Солиқ кодексининг 274-моддаси тўғричинчи қисмига биноан солиқнинг жами суммаси ўрнини тезлаштирилган

тарзда қўллаш тартиби бу ҳақда солиқни қайтариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган тақдирда, қўйдаги тоифадаги солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади;
Белгиланган тартибда йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларга;

солиқни қўллашга доир ариза билан бирга амалдаги банк қафолатини тақдим этган ёки солиқ органлари билан гаров шартномасини Солиқ кодексининг 109 ёки 107-моддаларида белгиланган тартибда расмийлаштирган солиқ тўловчиларга;

экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга - агар илгари бу шахсларга солиқ суммаси қўплаган ва бунда қонунбузарликлар аниқланмаган бўлса, ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган суммалари қисмида;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташиқлотлари;

маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчиларига, агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса;

солиқ мониторингини иштирокчиларига.

Қўйдаги ҳолларда солиқ суммасини қўллашнинг тезлаштирилган тартиби татбиқ этилмайди:

аризага ушбу Низомнинг 2-бобида белгиланган зарур ҳужжатлар тўлиқ илова қилинмаган ҳолда;
ариза тақдим этилган вақтда солиқ тўловчи солиқларни тўламаслик ҳақида даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар тоифасига мансуб бўлса.

33. Солиқнинг ўрнини тезлаштирилган тартибда қўллашда солиқ тўловчи томонидан қўллаш учун аризада кўрсатилган солиқ суммаси унга тўлиқ ҳақда етти кун ичида ушбу Низомнинг 5-бобида белгиланган тартибда қўллаб берилади. Бунда қўллашни учун аризада кўрсатилган солиқ суммаси асосланганлигининг камерал солиқ текшируви ушбу Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Камерал солиқ текшируви натижаларига кўра аризада кўрсатилган солиқ суммаси ёки унинг бир қисми асоссиз деб топилса, солиқ тўловчи асоссиз равишда қўплаган солиқ суммасини қўллаш санасидан то уни бюджетга тўлаш санасигача пеня ҳисоблаган ҳолда Давлат бюджетига тўлаши шарт. Кўрсатилган тартиб чет эл дипломатига ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга татбиқ этилмайди.

7-БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТган ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИ ВА УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ТАШКИЛОТЛАРИГА СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚОПЛАШ (ҚАЙТАРИШ) ТАРТИБИ

35. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташиқлотлари томонидан расмий фойдаланиш, шунингдек, уларнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шу жумладан, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг (кейинги ўринларда-дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари) шахсий эҳтиёжи учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган солиқ суммаси солиқ органларига сотиб олиш операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган харидларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини илова қилган ҳолда тақдим этилган аризалар асосида қўллаб (қайтариб) берилади.

Бундай ҳужжатлар жумласига етказиб берувчилар томонидан расмийлаштирилган қўшилган қиймат солиги суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар, инвойслар, назорат-касса техникасининг чеклари, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган чипталар, талонлар, чеклар ёки шуларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар кирди.

36. Дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар (шу жум-

ладан, улар билан бирга яшовчи оила аъзолари) томонидан сотиб олинган товарлар бўйича тўланган солиқ суммаси хорижий давлатларнинг дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналари орқали қўпланади (қайтарилади).

37. Дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар (шу жумладан, улар билан бирга яшовчи оила аъзолари) томонидан бир йил мобайнида сотиб олинган бир неча автотранспорт воситалари бўйича тўланган солиқ суммаси фақат битта объект бўйича қўллаб (қайтариб) берилади, уч йил мобайнида бир неча кўчмас мулк объекти сотиб олинган бўлса, солиқ суммаси фақат битта объект бўйича қўллаб (қайтариб) берилади. Бунда, кўрсатилган шахслар қайси объект бўйича солиқ суммаси қўплаганини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

38. Солиқ органи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар камерал солиқ текширувидан ўтказилади ва ушбу Низомнинг 4-бобида назарда тутилган қоидаларни инобат олган ҳолда ариза берилган кундан эътиборан беш кун мобайнида солиқ суммасини қўллаш (тўлиқ ёки қисман) ёки солиқ суммасини қўллашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

39. Солиқ суммасини қўллаш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида қарор қабул қилинганда қўллашни лозим деб топилган солиқ суммаси ушбу Низомнинг 5-бобида белгиланган тартибда қайтарилади.

40. Ушбу Низомнинг 35–39-бандларида белгиланган қоидалар тегишли чет давлатнинг қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга, ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимларига (шу жумладан, улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларига) нисбатан солиқ суммасини қўллаш тартиби белгиланган бўлса ёхуд бундай норма Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бўлса қўлланилади.

Агар тегишли хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарига, ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимларига, шу жумладан, улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларига солиқ суммасини қўллашда қўшимча чекловлар ёки алоҳида шартлар мавжуд бўлганда солиқ органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тақлифига биноан ушбу Низомда кўзда тутилмаган қўшимча чекловлар ва шартлар паритет асосда қўлланилиши мумкин.

41. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳар йили жорий йилнинг 1 февралига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига, ушбу Низомнинг 40-банди:

биринчи хатбошисида қайд этилган қоидалар татбиқ этиладиган хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташиқлотлари рўйхати;

иккинчи хатбошисида қайд этилган қўшимча чекловлар ва шартлар тўғрисида маълумотни тегишли хорижий давлатнинг дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарига, ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимларига нисбатан қўшимча чекловлар ва шартлар паритет асосда қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосасини илова қилган ҳолда киритади.

8-БОБ. МАҲСУЛОТ ТАҚСИМОТИГА ОИД БИТИМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА СОЛИҚ СУММАСИНИ ҚОПЛАШ (ҚАЙТАРИШ) ТАРТИБИ

42. Маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчиси томонидан битим доирасида сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган солиқ суммаси ушбу солиқ тўловчига сотиб олиш операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган харидларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини илова қилган ҳолда солиқ органларига тақдим этган аризаси асосида қўллаб (қайтариб) берилади.

44. Ушбу Низомнинг 40-бандида қайд этилган ҳолатлардан ташқари қуйидаги ҳолатларда илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактура бекор қилинади ва унинг ўрнига олувчи томонидан тасдиқланган тузатилган ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади:

хатоларни тузатиш натижасида солиқ базаси ўзгарган тақдирда;

илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактурага ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш зарур бўлганда.

45. Тузатилган ҳисобварақ-фактура Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 88-моддасига асосан даъво қилиш муддатлари давомида расмийлаштирилади.

46. Тузатилган ҳисобварақ-фактура қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

ҳисобварақ-фактура тузатилган эканлиги тўғрисида белги; тузатилган ҳисобварақ-фактура тартиб рақами ва санаси. Бунда тузатилган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси тузатиш қиритилаётган илгари расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси билан бир хил бўлади.

Тузатилган ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилиши натижасида аввал тақдим этилган солиқ ҳисоботларига ўзгартириш киритилиши шарт бўлган ҳолларда, тузатилган ҳисобварақ-фактура тегишли бўлган солиқ даври бўйича, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари тақдим этилади.

47. Ушбу Низом кучга киришидан олдин расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларга қўшимча ёки тузатилган ҳисобварақ-фактура мазкур Низомга асосан тақдим этилади.

6-БОБ. АЙРИМ ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА ТОВАРЛАРНИ (ХИЗМАТЛАРНИ) РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҲАМДА ЧЕГИРМАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШДА ҲИСОБАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

48. Ижарага берувчи томонидан етказиб берувчилардан олинган электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ижарага олувчиларга берилади.

49. Агар ижара шартномасига мувофиқ электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматларининг қиймати ижара ҳақи суммасига киритилмаган ҳолда ижарага олувчи томонидан истеъмол қилинган хизматлар миқдорига қўланиши лозим бўлса, ижарага берувчи томонидан ижарага олувчи номига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада алоҳида қаторларда қуйидагилар акс эттирилади:

ижара шартномасига мувофиқ ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган ҳолда (агар ижарага берувчи ҚҚС тўловчиси бўлса) ижара ҳақи суммаси;

ижарага олувчи томонидан истеъмол қилинган коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматлари учун ушбу хизматлар қийматига тўғри келувчи ҚҚС суммаси ажратилган ҳолда қўланиши лозим бўлган сумма.

50. Ижара шартномасига мувофиқ қиймати ижарага олувчи томонидан қўланиши лозим бўлган электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун ижарага берувчи томонидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди ва ушбу хизматлар бўйича ҚҚС суммаси ижарага берувчи томонидан ҳисобга олинмайди. Ижарага олувчидан электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари истеъмоли учун олинган қўллаш суммаси ижарага берувчининг даромади ҳисобланмайди.

51. Электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматларининг ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига қўллаш бериладиган қиймати ижарага олувчининг харажатлари ҳисобланади ва улар бўйича ҚҚС суммаси ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 37-бобида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади. Ижарага олувчига электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш учун ижарага берувчидан олинган

ижарага олувчи томонидан истеъмол қилинган хизматларнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қўллаш суммаси алоҳида қаторда кўрсатиб ўтилган ҳисобварақ-фактура асос ҳисобланади.

52. Агар товарлар (хизматлар) текинга берилса (кўрсатилса), якунловчи сатрда «тўловсиз» деган ёзув киритилади. Агар товарлар (хизматлар) устав капиталига қўйилма сифатида берилса (кўрсатилса), якуний сатрда «устав фондига (устав капиталига) қўйилма» ёзуви киритилади.

53. Товарлар (хизматлар) оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) кўра қўйилма сифатида берилса (кўрсатилса), якуний сатрда «оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) кўра қўйилма» ёзуви киритилади.

Оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага), концессия битимига ёки мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ товарларни (хизматларни) реализация қилишда ширкатнинг ишончли шахси, концессионер ёки ишончли бошқарувчи ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришда «Етказиб берувчи» сатрда қўшимча равишда «Ишончли шахс», «Концессионер» ёки «Ишончли бошқарувчи» сўзларини кўрсатади.

54. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида тузилган шартномага асосан товарларни (хизматларни) реализация қилишда ҳисобварақ-фактура товарларни (хизматларни) реализация қилиш санасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курси бўйича сўмда расмийлаштирилади ва унга чет эл валютасида расмийлаштирилган инвойс (ҳисобварақ-фактура) ёки товарлар (хизматлар) реализация қилинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

55. Корхона мулкчи мажмуа сифатида сотилганда сотувчи томонидан корхона сотилган нархни кўрсатган ҳолда жамлама ҳисобварақ-фактура тузилади.

Жамлама ҳисобварақ-фактурада асосий воситалар, номоддий активлар, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган мол-мулкнинг бошқа турлари, дебиторлик қарзининг суммалари, қимматли қоғозларнинг қиймати ҳамда баланс активларининг бошқа позициялари мустақил позицияларга ажратилади. Жамлама ҳисобварақ-фактурага инвентаризация далолатномаси илова қилинади.

Жамлама ҳисобварақ-фактурада хар бир мол-мулк турининг нархи Солиқ кодексининг 251-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ҳамда қийматининг тузатиш коэффициентига кўпайтмасига тенг деб қабул қилинади.

56. Шартномага мувофиқ харидорларга товарларни жўнатиш (хизматларни кўрсатиш) санасида чегирмалар (бошқа тижорат бонуслари) тақдим этилган тақдирда, нарх бундай чегирма чиқариб ташланганидан кейин жами қийматни қайтариш йўли билан аниқланади ва ҳисобварақ-фактурада нарх чегирмалар (бошқа тижорат бонуслари) чиқариб ташланган ҳолда кўрсатилади.

57. Шартномада солиқ тўловчининг нарх (тариф) сифатида мувофиқ товарлар жўнатилганидан кейин сийловлар (чегирмалар) тақдим этиш шартлари белгиланган бўлса, яъни товарлар етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) шартномасининг муайян шартлари харидор томонидан бажарилиши, шу жумладан, товарларнинг (хизматларнинг) муайян ҳажминини олиши ва муддатидан олдин ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартлар белгиланган бўлса, сийловлар (чегирмалар) тақдим этиш шартлари бажарилганидан сўнг қўшимча ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади ва сийлов (чегирма) миқдоридида аввал расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактурага тузатиш киритилади.

7-БОБ. ЭЛЕКТРОН ҲИСОБАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЖЎНАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

58. Электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш ушбу Низомда белгиланган ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартиби асосида амалга оширилади.

59. Ушбу Низомнинг 3-бандига асосан товарлар (хизматлар) ҳисобварақ-фактура тақдим этмаган ҳолда реализация қилинганда етказиб берувчи ҳар календарь ой якуни билан бир марта

Воситачининг (ишончли вакилнинг) ҳисоботиغا шартномада назарда тутилган бosh маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

29. Ҳисоботи ташкил этиш мuddати воситачи (ишончли вакил) томонидан комитентнинг (топшириқ берувчининг) манфаатида товарлар (хизматлар) реализация қилинган (сотиб олинган) ой тугаганидан сўнг беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

30. Воситачи (ишончли вакил) комитентга тегишли бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича операцияларни амалга оширишда комитент (топшириқ берувчи) воситачини (ишончли вакилдан) олинган ҳисобот асосида беш иш кун давомида воситачининг (ишончли вакилнинг) номига санаси, шунингдек, воситачи (ишончли вакил) томонидан сотиб олувчига тақдим этилган ҳисобварақ-фактуранинг кўрсаткичлари акс эттирилган ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Бунда «Етказиб берувчи» сатрига қўшимча равишда «Комитент» («Топшириқ берувчи») номи кўрсатилади.

31. Комитент (топшириқ берувчи) томонидан воситачига (ишончли вакилга) тақдим этилган ҳисобварақ-фактура комитент (топшириқ берувчи) томонидан хронологик тартибда рақамланади. Комитент (топшириқ берувчи) томонидан воситачига (ишончли вакилга) тақдим этилган ҳисобварақ-фактура комитентнинг (топшириқ берувчининг) Сотиш реестрида рўйхатдан ўтказилади.

32. Агар воситачилик (топшириқ) шартномасига асосан комитент (топшириқ берувчи) воситачи (ишончли вакил) томонидан унинг топширигини бажариш билан боғлиқ харажат қилинган маблағларни қоплаши лозим бўлса, ушбу харажатлар бўйича ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби ушбу Назарнинг 22-26-бандларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

33. Воситачининг (ишончли шахсининг) ҳисоботиغا асосан комитент (топшириқ берувчи) томонидан қоплашиши лозим бўлган маблағлар, воситачи (ишончли вакил) томонидан ўзининг ҳақи суммасига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурага илова қилинадиган хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади. Бунда воситачи (ишончли вакил) томонидан ўзининг ҳақи суммасига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада комитент (топшириқ берувчи) томонидан қоплашиши лозим бўлган сумма кўрсатилмайди.

34. Транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасига мувофиқ мижознинг экспедиторлик топширигини бажараётган юридик шахс, ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш ва ҳисобини юритишда, агар мазкур юридик шахс мижоз номидан иш юритаётган бўлса, топшириқ шартномаси бўйича ҳисобварақ-фактура ҳисобини юритиш қоидаларини қўлайди ёки агар ўз номидан иш юритаётган бўлса, воситачилик шартномаси бўйича ҳисобварақ-фактура ҳисобини юритиш қоидаларини қўлайди.

35. Мижознинг экспедиторлик топширигини бажараётган экспедитор транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш шартномасини бажариш бўйича ташувчилардан ва бошқа контрагентлардан олинган ҳисобварақ-фактураларни мижозга ўзининг номидан қайта тақдим этади. Бунда у ташувчилар ва контрагентларнинг ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган кўрсаткичларни акс эттиради. Экспедитор ушбу ҳисобварақ-фактураларни Сотиб олиш реестри ва Сотиш реестрларида рўйхатдан ўтказмайди.

36. ҚҚС тўловчиси бўлмаган, бироқ ҚҚС тўловчиси бўлган комитентнинг ҚҚС солигини товарларни (хизматларни) реализация қилишда ўз номидан ҳисобварақ-фактура тақдим этувчи воситачи, сотиб олувчи номига тақдим этилаётган ҳисобварақ-фактурада комитентнинг товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш айланмасидан ҳисоблаб чиқарилган ҚҚС суммасини ажратиб кўрсатади.

37. ҚҚС солиқ тўловчиси бўлиб ҚҚС солиқ тўловчиси бўлмаган комитентнинг товарларни (хизматларини) реализация қилишда ўз номидан ҳисобварақ-фактура тақдим этувчи воситачи, сотиб олувчи номига тақдим этилаётган ҳисобварақ-фактурада ҚҚС суммасини кўрсатмайди ва «Қўшилган қиймат солиғисиз» ёки «ҚҚСиз» ёзуви қайд этилади.

38. Комитент (топшириқ берувчи) учун реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлган норезидент то-

монидан кўрсатиладиган хизматлар олинганда комитентнинг (топшириқ берувчининг) номига ҳисобварақ-фактура ушбу Назарнинг 22-26-бандларида назарда тутилган тартибда расмийлаштирилади.

39. Норезидент (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширмайдиган чет эл юридик шахси) томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлалиши лозим бўлган ҚҚС суммаси, бюджетга комитент (топшириқ берувчи) томонидан, агар воситачилик (топшириқ) шартномасида ушбу мажбурият бевосита воситачига (ишончли вакилга) юклатилган бўлса, у томонидан тўлалиши мумкин.

Комитент (топшириқ берувчи) воситачига (ишончли вакилга) тақдим этилган тўлов ҳужжатлари асосида тўланган ҚҚС суммасини қоплаб беради. Норезидент томонидан бажарилган хизматлар бўйича тўланган ҚҚС суммаси бюджетга тўлалиши лозим бўлган ҚҚС ҳисоб-китобида комитент (топшириқ берувчи) томонидан Солиқ кодексининг 37-бобида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

5-БОБ. ҚЎШИМЧА ВА ТУЗАТИЛГАН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

40. Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан кўйидаги ҳолларда реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) етказиб бериш қўйматиға уни қўлайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритилган тақдирда, ушбу товарларни (хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилади:

товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда;
битим шартлари ўзгарганда, шу жумладан, жўнатилган товарларнинг, кўрсатилган хизматларнинг нархи ва (ёки) сони (ҳажми) ўзгарганда;

товарларни (хизматларни) сотувчи томонидан чегирмалар берилганда.

Ушбу бандда назарда тутилган тузатиш киритиш, агар сийловлар бериш шартлари шартнома шартларида ёки солиқ тўловчининг нарх (тариф) сивёсатида назарда тутилган бўлса, илгари амалга оширилган товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича солиқ базасини камайтиради. Бундай шартлар товарлар етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) шартномасининг муайян шартларини харидор томонидан бажаришни, шу жумладан, товарларнинг (хизматларнинг) муайян ҳажмини олишни ва мuddатидан олдин ҳақ тўлашни назарда тутиши мумкин.

Ушбу бандда қўрсатиб ўтилган ҳолатларда қўшимча ҳисобварақ-фактура мазкур ҳолатлар рўй берган санада расмийлаштирилади ва тақдим этилади.

41. Қўшимча ҳисобварақ-фактура тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуралар бўйича, улар тақдим этилган санадан бошлаб бир илгилк мuddат доирасида ҳамда кафолат мuddати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича - кафолат мuddати доирасида расмийлаштирилиши мумкин.

42. Қўшимча ҳисобварақ-фактура қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

ҳисобварақ-фактура қўшимча эканлиги тўғрисида белги;
қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;

тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;

нархларга тузатиш киритиш миқдори (ижобий ёки салбий), етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолдаги қиймати;
ҚҚС суммасига тузатиш киритиш миқдори (ижобий ёки салбий).

43. Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан қўшимча ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган ҳолда солиқ базасига тузатишлар киритиш амалга оширилганда олувчи етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида у томонидан илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тегишли тартибда тузатиш киритади.

- 43. Бундай ҳужжатлар жумласига етказиб берувчилар томонидан расмийлаштирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар, инвойслар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар кирadi.
- 44. Солиқ тўловчининг аризасини қўриб чиқиш, камерал солиқ текширувини ўтказиш ва солиқ суммасини қоплаш (қайтариш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ушбу Низомнинг 10, 38 ва 39-бандларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.
- 45. Ушбу Низомнинг 42 ва 43-бандларида белгиланган қоидалар махсулот тақсимотида айд битимида солиқ бўйича

ноль даражали ставка қўлланиши назарда тутилган бўлса табиқ этилади.

46. Мазкур бобда қайд этилган шахсларга солиқ суммаси 2020 йил 1 январдан кейин сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича қоплаб берилади.

9-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

47. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарорига
2-ИЛОВА

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ, ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1. Мазкур Низом ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ва уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартибини белгилайди.
- 2. Ҳисобварақ-фактура – Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ уни тақдим этиш мажбуриятига эга бўлган товарларни (хизматларни) сотувчи (етказиб берувчи) томонидан расмийлаштириладиган қатъий белгиланган намунадаги (форматдаги), товарлар ҳақиқатда жўнатилганлигини ёки хизматлар кўрсатилганлигини ва уларнинг қийматини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.
- Ҳисобварақ-фактура сотувчи (етказиб берувчи) томонидан тақдим этилган қўшилган қиймат солиғи суммасини харидор (буюртмачи) ҳисобга олиши учун асос бўладиган бирламчи ҳужжат ҳисобланади.
- Ҳисобварақ-фактура қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солиш айланмаси ва реализацияни ҳисобга олиш учун юритилади.
- 3. Агар ушбу банднинг иккинчи қисмида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, товарларни (хизматларни) реализация қилишида юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган норезидент юридик шахслар (кейинги ўринларда – юридик шахслар) ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.
- Ҳисобварақ-фактура куйидаги ҳолларда тақдим этилиши шарт эмас:

- сотилган товарлар (хизматлар) учун тўловлар нақд пулда ёки жимсоний шахсларнинг пластик карталари орқали амалга оширилганда назорат-қасса техникаси ёки виртуал қасса чеки тақдим этилганда;
- ҳужжалик юритувчи субъект томонидан аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда расмийлаштириладиган, қатъий ҳисобот бериладиган банкалар ҳисобланадиган шакл бўйича квитанция тақдим этилганда. Квитанциялар солиқ органларида руйхатдан ўтказилган ҳолда фақат назорат-қасса техникаси таъмирлашга топширилганда ёки савдо шохобчасида (хизмат кўрсатиш жойида) электр энергияси вақтинча мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилади;
- товарлар экспорти бўйича божхона юк декларациялари (кейинги ўринларда – БЮД) расмийлаштирилганда;
- банк операциялари миқозининг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳужжат бериш билан расмийлаштирилганда;
- товарлар текинга оммавий тарқатилганда;
- ҳар қандай транспорт воситаси орқали йўловчиларни ташинишда йўл чипталари (шу жумладан, электрон) расмийлаштирилганда;
- кўрсатилган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун банк орқали бухгалтерия ҳисобини юритишда асос бўлиб хизмат қилувчи бирламчи ҳужжатлар қўлланган ҳолда тўловлар амалга оширилганда.
- Ушбу банднинг иккинчи қисми иккинчи-тўртинчи хатбосларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

- 4. Ҳисобварақ-фактура, агар ушбу Низомнинг 5–7-бандларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, товарлар жўнатилган (топширилган) ёки хизматлар кўрсатилган календарь санада расмийлаштирилиб тақдим этилади.
- 5. Товарлар (хизматлар) юридик шахсларнинг миллий валютадаги корпоратив банк карталари ёки яқка тартибдаги тадбиркорларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали тўловни қабул қилган ҳолда реализация қилинганда ҳисобварақ-фактура сотиб олувчининг (харидорнинг) талабига кўра товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойнинг охириги санасига қадар товарлар (хизматлар) амалда реализация қилинган сана билан расмийлаштирилиши шарт.
- 6. Электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари, темир йўлда ташиниш, транспорт-экспедиторлик хизмати реализация қилинганда, қувурлар тизими орқали юкларни ташинишга доир хизматлар реализация қилинганда, шунингдек, товарлар (хизматлар) доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинадиган бошқа ҳолларда товарлар етказиб берилганда (хизматлар кўрсатилганда) ҳисобварақ-фактура календарь ойнинг куниди мазкур ой давомида жами етказиб берилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича бир марта тақдим этилади.
- Бунда, ҳисобварақ-фактура товарлар (хизматлар) реализация қилинган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунига қадар, товарлар (хизматлар) реализация қилинган ойнинг охириги кунидаги сана билан тақдим этилади.
- 7. Объектлар қурилишида, шу жумладан, объектларни фойдаланиш учун тайёр ҳолда қуришда, шунингдек, узоқ (бир солиқ ҳисоботи давридан ортиқ) технологияк даврийликдаги узоқ мuddатли шартномалар бўйича, агар тузилган узоқ мuddатли шартномалар шартларида хизматларни ҳар ойда топшириш назарда тутилмаган бўлса, ҳисобварақ-фактура ҳар бир календарь ойнинг охириги кунга тақдим этилади.
- Узоқ мuddатли шартноманинг календарь ойнинг охирида ҳақиқатда бажарилганлиги ҳисобот даврида қилинган харажатлар суммасининг шартномани бажариши учун кетадиган жами харажатлар умумий суммасидаги солиштирма миқдорини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.
- Календарь ойнинг охиридаги даромад шартнома бўйича қилинган харажатларнинг ҳисобланган солиштирма миқдори ва жами даромад суммасининг (шартнома баҳосининг) ҳосиласи сифатида аниқланади.
- Бунда, ҳисобварақ-фактура хизматлар реализация қилинган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кунига қадар, хизматлар реализация қилинган ойнинг охириги кунидаги сана билан тақдим этилади.
- 8. Ҳисобварақ-фактурада товарларнинг (хизматларнинг) қиймати миллий валютада, сўмда кўрсатилади. Бунда, сумма кўрсатилаётганда бутун сондан сўнг юздан биргача яхлитлашни лозим бўлади.
- 9. Қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда - ҚҚС) солиқ тўловчилари сотиб олинган ва реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фак-

тура ўрнини босадиган ҳужжатлар) журналини (реестрларини) юритишлари шарт.

Ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестрлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ юритилади.

Юридик шахсларнинг миллий валютадаги корпоратив банк карталари ёки яқна тартибдаги тадбиркорларнинг миллий валютадаги банк карталари орқали тўловни амалга оширган ҳолда товарларни (хизматларни) сотиб олган ҚҚС солиқ тўловчилари онлайн назорат касса машинаси ва виртуал касса чекларини солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали қайд этган ҳолда харидларни ҳисобварақ-фактуралар реестрига киритиш ҳамда ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

10. Агар ушбу Низомнинг 12-бандида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда расмийлаштирилади ва уларнинг сақланиши ҳамда ҳисоби юритилиши электрон ахборот тизимида амалга оширилади.

Товарларни (хизматларни) сотиб олувчи фақат электрон шаклда қабул қилинган ҳисобварақ-фактуралар акс эттирилган ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

11. Электрон ҳисобварақ-фактуралар ахборот тизимида техник носозликлар юзга келганда ҳисобварақ-фактура қоғоз шаклида расмийлаштирилади. Бунда, техник носозлик хизмат кўрсатувчи электрон ҳисобварақ-фактура айланлиқ тизими оператори томонидан расман тасдиқланган бўлиши лозим ва ҳисобварақ-фактуралар кейинчалик электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ахборот тизимидаги носозликлар бартаараф этилгандан сўнг беш кун ичида электрон шаклда ҳисобварақ-фактуранинг қоғоз шаклида кўрсатилган сана билан киритилиши шарт.

12. Солиқ тўловчилар томонидан давлат сирига тааллуқли бўлган ҳужжалик операциялари амалга оширилганда қоғоз шаклда ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

13. Ҳисобварақ-фактура қоғоз шаклида расмийлаштирилса камида икки нусхада тузилади ва улардан бири товарларни (хизматларни) сотиб олувчига тақдим этилади.

2-БОБ. ТОВАРЛАР (ХИЗМАТЛАР) РЕАЛИЗАЦИЯСИДА ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

14. Ҳисобварақ-фактурада куйидагилар кўрсатилиши шарт:

ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами;
ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш (хизматларни кўрсатиш) ҳужжатнинг ёки шартноманинг рақами ва санаси;

товарлар (хизматлар) реализация қилинган сана;
етказиб бېрувчининг ва товарларни (хизматларни) сотиб олувчининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами, банк ҳисобварағи ва хизмат кўрсатувчи банк номи ҳамда филиаллараро айри-бошлаш коди (МФО);

ҚҚС рўйхат рақами (ҚҚС солиқ тўловчисининг шахсий рўйхат рақами);

Товарлар (хизматлар) етказиб бېрувчининг (сотиб олувчининг) ҚҚС солиқ тўловчиси бўлмаган алоҳида бўлинмаси орқали, яъни ҚҚС марказлашган тартибда юқори турувчи юридик шахс томонидан тўланиши белгиланган ҳолатларда, етказиб бериладиганда (кўрсатилганда) ёки сотиб олинганда ҳисобварақ-фактурада ҚҚС солиқ тўловчиси бўлган юқори турувчи юридик шахсининг реквизитларидан ташқари қўшимча равишда етказиб бېрувчининг (сотиб олувчининг) (ҚҚС солиқ тўловчиси бўлмаган алоҳида бўлинманинг) номи ҳамда солиқ тўловчининг идентификация рақами (мавжуд бўлса) кўрсатилиши шарт.

15. Ҳисобварақ-фактура ушбу Низомга 1-иловадаги*** шаклда куйидаги тартибда тўлдирилади:

1-устунда – товарлар (хизматлар) номи;

2-устунда – товар (хизмат) ўлчов бирликлари. Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;

3-устунда – ўлчов бирлигидан келиб чиқиб реализация қилинган (кўрсатилган) товарлар (хизматлар) миқдори (ҳажми). Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;

4-устунда – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда товар (хизмат) ўлчов бирлигига тўри келадиган нарх (тариф);

5-устунда – реализация қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз солигини кўшган ҳолдаги (ҚҚСsiz) қиймати;

6-устунда – ҚҚС ставкаси;

7-устунда – товарларни (хизматларни) сотиб олувчига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси.

ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган ёки реализация қилиш буйича айланмаси ҚҚСдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилувчигар томонидан 7-устунда «Қўшилган қиймат солиғисиз» ёки «ҚҚСsiz» ёзуви қайд этилади;

8-устунда – реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) ҚҚСни кўшган ҳолдаги жами қиймати.

Яқунловчи сатрда – 5, 7 ва 8-устунлар буйича суммалар жамланади.

Маркировкаланадиган товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактурада маркировкалаш коди кўрсатилиши шарт.

Акциз солиғи тўловчилари ҳисобварақ-фактурада акциз солиғи ставкаси ва акциз солиғи суммасини кўрсатишлари шарт.

3-БОБ. ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ ТЎЛДИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

16. Дори воситалари ва тиббий буюмлар реализация қилинганда ушбу Низомга 2-иловадаги*** шаклда ҳисобварақ-фактура тақдим этилади.

17. Ҳисобварақ-фактура куйидаги тартибда тўлдирилади:

1-устунда – товарлар номи;

2-устунда – товарларнинг серияси;

3-устунда – товар ўлчов бирликлари;

4-устунда – дори воситаларни ёки тиббий буюмларни ҳар бир ўлчов бирлигига сотиб олиш нархи (базавий нарх) ёки сотишнинг асосий баҳоси (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда);

5-устунда – асосий баҳодан ўсиб боровчи яқун билан фойз кўринишидаги савдо қўшимчаси (устамаси). Агар бир нечта улгуржи савдо ташкилотлари дори-дармон ва тиббий буюмларни етказиб беришда иштирок этаётган бўлса, савдо қўшимчаси (устамаси) умумий ҳолда аниқланади;

6-устунда – ўлчов бирлигидан келиб чиқиб миқдор (ҳажми);

7-устунда – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда савдо қўшимчасини (устамасини) ҳисобга олган ҳолда товарнинг нархи;

8-устунда – реализация қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз солигини кўшган ҳолдаги (ҚҚСsiz) қиймати.

9-устунда – ҚҚС ставкаси;

10-устунда – товарларни сотиб олувчига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси;

ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган ёки реализация қилиш буйича айланмаси ҚҚСдан озод этиладиган товарларни реализация қилувчигар томонидан 10-устунда «Қўшилган қиймат солиғисиз» ёки «ҚҚСsiz» ёзуви қайд этилади;

11-устунда – реализация қилинган товарларнинг ҚҚСни кўшган ҳолдаги жами қиймати;

яқунловчи сатрда – 8, 10 ва 11-устунлар буйича суммалар жамланади.

Маркировкаланадиган товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактурада маркировкалаш коди кўрсатилади.

**4-БОБ. ВОСИТАЧИЛИК, ТОПШИРИК ВА ТРАНСПОРТ
ЭКСПЕДИЦИЯСИ ШАРТНОМАЛАРИ АСОСИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА
ХИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ ТЎЛДИРИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

18. Воситачи томонидан комитентнинг манфаатида воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома асосида товарлар (хизматлар) реализация қилинганда воситачи (ишончли вакил) сотиб олувчига (комитентга) ушбу Низомга 1 ва 2-илловалардаги ҳисобварақ-фактура шаклларининг жадвал қисми 1-устунидан аввал 1а-«Комитентнинг (Етказиб берувчининг) номи», 1б-«ҚҚС суммаси» қўшимча (Етказиб берувчининг) СТИРи», 1в-«ҚҚС рақами» қўшимча устунларни киритган ҳолда ҳисобварақ-фактура тақдим этиши шарт. Ҳисобварақ-фактура шакли ушбу Низомнинг 2 ва 3-бобларида белгиланган тартибда тўлдирилади.

19. Товарлар (хизматлар) комитентнинг топшириқи асосида реализация қилинганда воситачи ўзининг номидан икки нусхада ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Бунда «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» сўзи кўрсатилади. Ҳисобварақ-фактуранинг 1а, 1б, 1в-устунларида мос равишда комитентнинг номи, СТИР ва ҚҚС рақамини кўрсатади.

20. Товарларни (хизматларни) топшириқ шартномаси бўйича реализация қилишда ишончли вакил сотиб олувчи номига топшириқ берувчи номидан ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ҳисобварақ-фактурада топшириқ берувчи ва сотиб олувчининг реқвизитларидан ташқари ишончли вакилнинг реқвизитлари ҳам кўрсатилиши лозим. Ҳисобварақ-фактура уч нусхада тақдим этилади. Биринчи нусха сотиб олувчига, иккинчиси топшириқ берувчига юборилади, учинчиси ишончли вакилда сақланади.

21. Комитентга (топшириқ берувчига) тегишли товарлар (хизматлар) реализациясини амалга оширувчи воситачи (ишончли вакил), ушбу товарлар (хизматлар)ни сотиб олувчига тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида сақлайди. Кўрсатиб ўтилган ҳисобварақ-фактураларга тартиб рақамлари воситачи (ишончли вакил) томонидан хронологик тартибда берилади. Бунда мазкур ҳисобварақ-фактуралар Сотих реестрида рўйхатдан ўтказилмайди ва воситачи (ишончли вакил) томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммаси ҳисоблаб чиқарилмайди.

22. Товарларни (ишларни, хизматларни) топшириқ шартномаси бўйича ишончли вакил орқали олишда топшириқ берувчи учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш учун асос бўлиб топшириқ берувчи номига сотувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактура кўрсатилмади.

23. Воситачилик шартномаси бўйича комитент учун товарлар (хизматлар) олинаётганда сотувчи ҳисобварақ-фактурани воситачининг номига тақдим этади.

24. Воситачи комитент учун сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича комитентга сотувчидан олинган ҳисобварақ-фактурадаги кўрсаткичларни ақс эттирилган ҳолда у томонидан тақдим этиладиган хронологик тартибда рақамланган ҳисобварақ-фактура тақдим этади (сотувчидан олинган ҳисобварақ-фактурани ўз номидан комитент номига қайта тақдим этади). Бунда «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» номи кўрсатилади.

Ҳисобварақ-фактуранинг 1а, 1б, 1в-устунларида мос равишда товарларни (хизматларни) етказиб берувчининг (сотувчининг) номи, СТИР ва ҚҚС рақамини кўрсатади.

25. Комитентга тақдим этилган ҳисобварақ-фактура воситачининг Тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида сақланади. Кўрсатиб ўтилган ҳисобварақ-фактуралар воситачи томонидан хронологик тартибда рақамланади. Бунда ушбу ҳисобварақ-фактуралар воситачининг Сотих реестрида рўйхатдан ўтказилмайди ва воситачи томонидан тақдим этилган

ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммаси ҳисоблаб чиқарилмайди.

26. Товарлар (хизматлар)ни сотувчидан олинган комитент учун мўлжалланган ҳисобварақ-фактуралар воситачининг Олинган ҳисобварақ-фактуралар ҳисоби журналида сақланади. Бунда ушбу ҳисобварақ-фактуралар воситачининг Сотиб олиш реестрида рўйхатдан ўтказилмайди ва ушбу ҳисобварақ-фактурада ажратилган ҚҚС суммаси воситачи томонидан ҳисобга олинмайди.

27. Воситачи (ишончли вакил) комитентга (топшириқ берувчига) воситачилик (топшириқ) шартномасини бажариш бўйича ўзининг ҳақи суммасига алоҳида ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ушбу ҳисобварақ-фактура воситачи (ишончли вакил) томонидан Сотих реестрида, комитент (топшириқ берувчи) томонидан эса Сотиб олиш реестрида рўйхатдан ўтказилади. Воситачи (ишончли вакил) ҳисобварақ-фактурага қўшимча равишда комитент (топшириқ берувчи) томонидан имзоланган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириши лозим.

28. Воситачи (ишончли вакил) комитентнинг (топшириқ берувчининг) манфаатида воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома асосида амалга ошириладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш ва (ёки) сотиб олиш операциялари бўйича унга бирламчи ҳужжатлар учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган воситачи (ишончли вакил) ва комитентнинг (топшириқ берувчининг) барча реқвизитларига эга бўлган ҳисоботни тақдим этади. Воситачининг (ишончли вакилнинг) ҳисоботига қуйидаги маълумотлар киритилган бўлиши лозим:

тегишли ҚҚС суммаси ажратилган ҳолда воситачи (ишончли вакил) томонидан реализация қилинган (сотиб олинган) товарлар (хизматлар) миқдори ва қиймати. Бунда ҳисоботга воситачи (ишончли вакил) томонидан товарлар (хизматлар) комитентнинг (топшириқ берувчининг) манфаатида реализация қилинганлигини (сотиб олинганлигини) тасдиқловчи шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган бўлиши лозим;

воситачи (ишончли вакил) томонидан амалга оширилган ишлар бўйича комитент (топшириқ берувчи) томонидан қопланishi лозим бўлган харажатларнинг қиймати. Комитент (топшириқ берувчи) томонидан қопланishi лозим бўлган харажатларга воситачи (ишончли вакил) томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни (операцияларни) комитент (топшириқ берувчи) ўзи бажарган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган, воситачи (ишончли вакил) томонидан учинчи шахсларга воситачилик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича топшириқни бажариш муносабати билан (товарлар (хизматлар) учун ҳақ тўлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш) тўланган маблағлар тааллуқли.

Бунда воситачи (ишончли вакил) агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик (топшириқ) шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса комитентнинг (топшириқ берувчининг) мол-мулкни ўзида сақлаш бўйича харажатларни қоплатишга ҳақли эмас.

Ҳисоботга ушбу харажатларнинг юзага келиши ва тўланганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар илова қилинган бўлиши шарт. Воситачи (ишончли вакил) томонидан комитент (топшириқ берувчи) учун амалга оширилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, комитент (топшириқ берувчи) ушбу суммаларни ўз харажатлари тақсимида киритишга ва ҚҚСни ҳисоблаб чиқариши пайтида тегишли ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга;

шартнома шартларига мувофиқ воситачининг (ишончли вакилнинг) (агар воситачи (ишончли вакил) ҚҚС солиқ тўловчиси бўлса) ҚҚСни ўз ичига олувчи ҳақи суммаси; комитентдан (топшириқ берувчидан) олинган аванслар суммаси;

воситачилик (топшириқ) шартномасини бажариш билан боғлиқ воситачига (ишончли вакилга) тўланishi лозим бўлган сума.

III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

1-ВАЗИЯТ

Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-август ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-август ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

6 750 000 x 12% = 810 000 сўмга тенг.

Январь-июль ойларида 708 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Август ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга (810 000 – 708 000) тенг.

Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 6 750 сўмни (6 750 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 5 900 сўмни, август ойида эса 850 сўмни (6 750 – 5 900) ташкил этган.

Август ойи учун бюджетга 101 150 сўм (102 000 – 850) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм (850 000 – 102 000) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ.

Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль-август ойлари учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боглиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда:

□ Жисмоний шахслар кўчмас мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардан солиқ тўлашдан озод этилади;

□ Солиқ солиш мақсадларида мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун энг кам ижара тўловини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади (20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 1-банди «а» кичик банди).

Август ойи учун ижара тўловидан ЖШДС тўланмайди.

Январь-август ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

9 500 000 x 12% = 1 140 000 сўм.

Январь-июль ойларида 996 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Август ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга (1 140 000 – 996 000) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 9 500 сўмни (9 500 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 8 300 сўмни, август ойи учун 1 200 (9 500 – 8 300) ташкил этади.

Август ойи учун бюджетга 142 800 сўм солиқ (144 000 – 1 200) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 2 556 000 сўм иш ҳақи (1 200 000 + 1 500 000 – 144 000) тўланади.

Маълумот учун. 2020 йил июль ойи учун жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубиятида («СБХ»нинг 21.07.2020 йилдаги 29 (1353)-сонли) ушбу вазиятда ходимнинг юридик шахсга турар жойни ижарага беришдан олинган даромадларидан ЖШДС ҳисобланмайди.

Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизисиз **Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ** тайёрлади.



2020 ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ*

Август ойида иш соатлари сони:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 168;

6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 165;

36 соатлик иш ҳафтасида – 150.

Иш кунлари сони:

5 кунлик иш ҳафтасида – 21;

6 кунлик иш ҳафтасида – 25.

- Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИҲ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) жорий этилди. 2020 йил январь ойида МҲЭKM 634 880 сўмни (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан – 679 330 сўмни (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь-август ойларида жами даромади – 9 290 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 x 7).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

9 290 000 x 12% = 1 114 800 сўмга тенг.

Январь-июль ойларида 974 400 сўм ушлаб қўлинган. Август ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (1 114 400 – 974 000) тенг.

Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 9 290 сўмни (9 290 000 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-июль ойлари учун ШЖБПҲга 8 120 сўм ўтказилган, август ойи учун ажратмалар 1 170 сўмни (9 290 – 8 120) ташкил этади.

Август ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сонда, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сонда, март ойи учун 24.03.2020 йилдаги 12 (1336)-сонда, апрель ойи учун 21.04.2020 йилдаги 16 (1340)-сонда, май ойи учун 26.05.2020 йилдаги 21 (1345)-сонда, июнь ойи учун 23.06.2020 йилдаги 25 (1349)-сонда, июль ойи учун 21.07.2020 йилдаги 29 (1353)-сонда чоп этилган.

II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

1-ВАЗИЯТ

Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 800 000 сўм, февраль-август ойларида эса – 1 920 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-август ойлари учун жами даромад – 15 240 000 сўм (1 800 000 + 1 920 000 x 7).

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

$15\,240\,000 - (634\,880 \times 1,41 + 679\,330 \times 1,41 \times 7) = 7\,639\,832,1$ сўмга тенг.

Январь-август ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$7\,639\,832,1 \times 12\% = 916\,779,85$ сўм.

Январь-июль ойларида 801 322,49 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Август ойи учун солиқ суммаси 115 457,36 сўмга (916 779,85 – 801 322,49) тенг.

Январь-август ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 7 639,83 сўмни (7 639 832,1 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-июль ойларида ШЖБПҲга 6 677,69 сўм ўтказилган, август ойи учун ажратмалар 962,14 сўмни (7 639,83 – 6 677,69) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,22 сўм (115 457,36 – 962,14) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,64 сўм (1 920 000 – 115 457,36) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-август ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-август ойлари учун жами даромад – 6 750 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-август ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

$(634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41 \times 7) = 7\,600\,167,9$ сўм.

Ходимнинг даромади (6 750 000 сўм) имтиёз суммасидан (7 600 167,9 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-август ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

3-ВАЗИЯТ

Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-август ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган қуйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС қўлинмайди.

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон) билан 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатта ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (2-банд).

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

$679\,330 \times 7,5 = 5\,094\,975$ сўм.

Моддий ёрдам суммаси – 2 800 000 сўмга ЖШДС солинмайди.

Тегшинча, солиқ солинадиган даромад 11 900 000 сўмга (1 400 000 + (1 500 000 x 7)) тенг.

Январь-август ойлари учун солиқ 1 248 000 сўмни (11 900 000 x 12%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида 1 248 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Август ойида солиқ суммаси 180 000 сўмни (1 428 000 – 1 248 000) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 11 900 сўмни (11 900 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида ШЖБПХга ажратмалар 10 400 сўмни, август ойида 1 500 сўмни (11 900 – 10 400) ташкил этади.

Август ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.

Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

4-ВАЗИЯТ

Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-август ойларида эса 1 600 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик машиий техника совға қилинган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 13 360 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8 + 1 600 000 x 7) тенг.

Январь-август ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

13 360 403,2 x 12% = 1 603 248,38 сўм.

Январь-июль ойларида 1 411 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Август ойида солиқ суммаси 192 000 сўмни (1 603 248,38 – 1 411 248,38) ташкил этади.

Январь-август ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 13 360,4 сўмга (13 360 403,2 x 0,1%) тенг.

Январь-июль ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 11 760,4 сўмни, август ойида 1 600 сўмни (13 360,4 – 11 760,4) ташкил этди.

Август ойида бюджетга 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.

Июль ойида бюджетга 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим кўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.



5-ВАЗИЯТ

Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-август ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган.

Куйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма (634 880 x 1,41 + 679 330 x 1,41 x 7) = 7 600 167,9 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди. 2020 йилда ушбу миқдор МҲЭКМнинг 7,5 бараваригача (679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм) оширилган (ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Шу боис жами ёрдам суммаси – 3 000 000 сўмга имтиёз қўлланилади.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

12 700 000 – 7 600 167,9 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 5 760 235,3 сўм.

Январь-август ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

5 760 235,3 x 12% = 691 228,24 сўм.

Январь-июль ойларида 614 170,87 сўм солиқ ушлаб қолинган. Август ойида солиқ суммаси 77 057,37 сўмни (691 228,24 – 614 170,87) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 5 760,24 сўмни (5 760 235,3 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 5 118,09 сўмни, август ойида 642,15 сўмни (5 760,24 – 5 118,09) ташкил этади.

Бюджетга 76 415,22 сўм (77 057,37 – 642,15) солиқ ўтказилади.

Ходим кўлига 1 522 942,63 сўм (1 600 000 – 77 057,37) олади.

ТЎҒРИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ҚИЛАМИЗ

1-бетда

операцияларни амалга ошириш керак бўлади.

Тайёр ва йиғилган товарларнинг товар позициясини кенгайтиришга имкон берувчи асосий шарт – бу асосий хусусият, тайёр буюмлар асосий аломатларининг бўлишидир. Бундай хусусият ёки аломатлар мавжуд бўлишининг мезони бўлиб нима ҳисобланади? Тугалланмаган товар ёки тайёрланма бошқа бирор товар учун эмас, балки фақатгина позициянинг матнида келтирилган товарни тайёрлаш учун фойдаланилиши мумкин.

2а ИАҚнинг иккинчи қисми йиғилмаган ёки тарқок ҳолда тақдим этилган бутловчи ёки тайёр (тугалланган) буюмлар йиғилган буюмлар сингари товар позицияларида таснифланишини назарда тутди. Мазкур Қоидаларнинг нормалари, агар улар муайян товар позициясига ажратилмаган бўлса, тайёрланма маламаларга нисбатан татбиқ этилади. «Тайёрланма» атамаси бевосита фойдаланиш учун тайёр бўлмаган, балки тайёр буюм ёки қисмининг тахминан шаклига ёки кўринишларига эга бўлган ҳамда истисно ҳоллардан ташқари пайтда фақатгина тайёр буюм ёки қисмга қайта ишлаш учун қўлланилиши мумкин бўлган буюмни англатади. Буюмни йиғиш учун зарур бўлган микдордан ортиқ буюмнинг йиғилмаган компонентлари алоҳида таснифланиши керак.

Шуни эътибордан қочирмаслик кераки, ҳали тайёр буюмларнинг хусусиятли шакллари эга бўлмаган ярим тайёр маҳсулотлар (масалан брусоклар, дисклар, қувурлар ва ҳ.к.) тайёрланма сифатида қаралмайди.

Маълумот учун. Қоида муайян товар позициясига (1-ИАҚ) ажратилмаган бўлса, тайёрланмага нисбатан татбиқ этилмайди. 1). Масалан, тугмалар, кнопоклар, застёжка-защиткалар, тугмалар учун шакллар ва ушбу буюмларнинг бошқа қисмлари; тугмалар учун тайёрланмалар (9606 ТИФ ТН коди).

Қоида кўп ҳолларда товарларнинг алоҳида тоифалари учун қўлланилади. Шу муносабат билан Қоидаларга тушувчи айрим ҳолатлар бўлимлар ёки гуруҳларнинг умумий



қоидаларида эсга олинади (масалан, XVI бўлим ва 61, 62, 86, 87 ва 90-гуруҳлар). Дейлик, ташишда қулай бўлиши учун машина ва мосламалар йиғилмаган ҳолда ташилади. Гарчанд бунда товарлар ҳақиқатда қисмлар йиғиндисидан иборат бўлади ва улар аллақандай қисмларга тегишли алоҳида товар қисмида эмас, балки тегишли машина сифатида таснифланади.

I-VI бўлимларнинг товар позициялари мазмунини эътиборга олганда, 2а қоида одатда мазкур бўлимларнинг товарларига нисбатан қўлланилмайди.

Шу тариха, 2а ИАҚни қўллаш учун қуйидагилар зарур:

- товарни 1-ИАҚ бўйича таснифлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш имкониятини истисно қилиш;
- товарнинг асосий тавсифини унинг функционал мақсадини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;
- товар фаолият юритиши учун барча зарур қисмларнинг мавжудлигини аниқлаган ҳолда унинг бутланганлигини тадқиқ этиш;
- қўшимча ёки йиғма операцияларни бажариш зарурати ҳамда уларнинг товарнинг асосий хусусиятларига таъсирини ўрганиш.

2б ИАҚ. Агар 2а ИАҚ бутланмаган ва ёки ишлаб чиқаришда тугалланмаган товарларга тегишли бўлса, 2б ИАҚ бунинг акси бўлган ҳолатларда қўлланилади. Яъни товарлар товар позицияси матнида кўрсатилганидан кўпроқ микдордаги таркибий қисмлардан иборат бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу материаллар ёки моддалар аралашмаси ва уларга ўхшашлар ҳамда икки ёки ундан ортиқ материаллар ёки моддалардан тайёрланган товарларга тааллуқлидир. 2б ИАҚ материал ёки

модда кўрсатилган товар позицияларига алоқадордир. Масалан, 4419-позицияси – ёғочдан ишланган емакхона ва ошхона жиҳозлари.

2-ИАҚ фақатгина мазкур товар позицияларида ёки бўлимлар ёки гуруҳларга изоҳларда ўзгача қоида белгиланган бўлмаса қўлланилади (масалан, 1503-товар позицияси – аралашмаган лярд-стеарин...).

Бирок 2б ИАҚ товар позициясини у қадар кенгайтира олмайдики, унга 1-қоидага мувофиқ ушбу товар позициясида баён этилганига мувофиқ келувчи товарлар сифатида қўриш мумкин бўлмаган товарларни киритиб бўлмайди. Бу бошқа материал ёки моддаларни қўшганда товарни товар позициясида эслатиб ўтилган хусусиятлардан маҳрум қиладиган ҳолларда юз беради. Ҳ.Каримов бунга ташбеҳ ўрнида шўртумшукнинг асалдаги шубҳали қошигини эслатиб ўтди.

Шу тариха, 2б ИАҚ:

- товар позицияси номида фақатгина у тайёрланган материал ёки моддага ҳавола бўлганда қўлланилади;
- агар ТИФ ТНда қидирилаётган товар кўрсатилган товар позицияси мавжуд бўлмаса, у ҳолда товар тайёрланган асосий материални ажратиш ҳамда мазкур материалдан тайёрланган буюмни ўз ичига олувчи товар позициясини қидириш лозимлигини тушунтиради. Буюм тайёрланган асосий материални ажратиш бўлмаган тақдирда 2б ИАҚни бундай товарни таснифлаш учун қўллаб бўлмайди;
- материал ёки моддага тегишли бўлган ҳар қандай товар позициясини кенгайтиради, бунда унинг таркибига мазкур материал ёки модданинг бошқа материал ёки моддалар билан аралашмаси ёки бирикмасини киритади.

Ушбу Қоидадан кўриниб турганидек, биттадан ортиқ материал ёки моддадан тайёрланган материаллар ёки моддаларнинг аралашмалари, унга ўхшашликлари, агар бир қарада уларни 2 ёки ундан ортиқ

товар позицияларига киритиш мумкин бўлса, улар 3-ИАҚ принципларига мувофиқ таснифланиши керак бўлади.

3-қоида. Товарни 2 ва ундан ортиқ товар позицияларига киритиш гипотетик имконияти бўлган ҳолларда қўлланилади. Қуйидагилар изчил тарзда кўриб чиқилади:

3а ИАҚ – энг аниқ номланиш. Масалан, электробритвалар ва сочни қирқиш машиналари ва электродвигатель ўрнатилган сочни олиб ташлаш асбоб-ускуналари электродвигатель ўрнатилган қўлда ишлатиладиган асбоблар сифатида 8467-товар позициясига ёки электродвигатель ўрнатилган маиший электромеханик машиналар сифатида 8509-товар позициясига эмас, балки 8510-товар позициясига киритилган;

3б ИАҚ – асосий хусусияти. Уни белгилувчи омил турли товарлар учун ҳар хил бўлади. У материал ёки модданинг табиати, унинг ҳажми, микдори, оғирлиги, қиймати ёки товар ишлатиладиганда ушбу материал ёки модда аҳамиятга эга бўлган ролидан келиб чиқиб аниқланиши мумкин. Масалан: спагетти тайёрлаётганда компонентлари қўшиб фойдаланиш учун мўлжалланган, спагетти иссиқликда қайта ишлов берилишига мажбур бўлинмайдиган пакетдан таркиб топган тўпламлар (товар позицияси – 1902), пишлок қириндисининг сашеси (товар позицияси – 0406) ва кичик консерва банкасидаги томат соуси (товар позицияси – 2103), картон қоробкага ўралган – 1902-товар позициясига таснифланади.

3в ИАҚ – таснифлаш учун тенг даражаларда мақбул бўлган товар позициялари орасида қодлар ўсиб бориши тартибда охириги турувчи товар позицияси. Қоида «ракобатлашаётган» товар позицияларининг ҳеч бири товарнинг ётарлича аниқ тавсифини бермайдиган ёки товарга унинг асосий хусусиятини берувчи материал ёки компонентни аниқлашнинг имконини бермайдиган ҳолатларни ҳал этишга ёрдам беради. Масалан, бунга тери ва газламадан тайёрланган эркалар жакети қиради. 3а ИАҚнинг қўлланилиши истисно қилинади, сабаби ҳар бир товар позициялари товар тайёрланган материалларнинг бир қисмини ташкил этади. 3б ИАҚ асосида таснифлашнинг ҳам имкони йўқ, сабаби 2 та материалдан бирортаси ҳам на оғирлиги, на ҳажми, на бажарадиган функцияси бўйича устунлик қилмайди. Шунинг учун 3в ИАҚни қўллаш ҳамда жакетни 2 та «ракобатлашаётган» позициялардан тартиб рақамига кўра охириги киритиш лозим. **16-бетда**

«КОРХОНА ЮРИСТИ»
электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Тал.пимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ТЎҒРИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ҚИЛАМИЗ

15-бетда

Яъни уни 6103-позиция «... Костюмлар, комплектар, машина ёки қўлда тўқилган, эркаклар ёки болалар учун газлама пиджаклар»га киритилади.

4-қоида. 1–3-қоидалар бўйича таснифлана олмайдиган товарларга нисбатан татбиқ этилади. У, 3-ИАҚдан фарқи ўларок, товар позицияларидан ҳеч бири товарни таснифлаш учун мос келмаган ва номенклатура позициялари матнларида келтирилмаган товарларни таснифлаш учун мўлжалланган ҳолларда қўлланилади.

Қоида бундай товарни у анчайин яқин бўлган товарлар позициясида таснифлашни назарда тутди. 4-ИАҚ бўйича таснифлаганда тақдим этилган товарни унга ўхшаш (худди шундай) товарларни аниқлаш учун ўхшаш товар билан солиштириш зарур. Ўхшашлик тайёрлов материали, товар божарадиган функциялар, ишлаб чиқариш усули, ташқи кўриниши, мақсадлилиги сингари турли омиллар билан аниқланиши мумкин.

Ушбу Қоиданинг қўлланилишига эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур, чунки баъзида бир қарашда мавжуд бўлмаган товар аслида бошқа номда, синонимда бўлиши фойдаланган бўлиши мумкин, бу эса нотўғри таснифлашга олиб келади. Масалан, қуритилган узум – майиз, равиоли – чучвара, зангламайдиган пўлат – коррозияга чидамли пўлат бўлиши мумкин.

Амалиётда 4-ИАҚ жуда кам қўлланилади, сабаби кўпгина гуруҳларда «бошқалар» деганларидек корзинкали позициялар бўлади, бу товарни материали ёки функцияси бўйича ажратишга имкон беради.

4-ИАҚнинг халқаро савдода муомалада бўладиган барча товарларнинг номенклатураси билан қамраб олинishiга эришишдаги аҳамиятини қайд этиш керак. Бунга электроника ва алоқа воситалари бозорини яққол мисол сифатида келтирса бўлади, унда товар 1 йил давомида янгилар қаторидан эскига айланиб қолиши мумкин. Бундай товарларни таснифлаш айнан 4-ИАҚ билан таъминланади. 4-ИАҚни қўллашга бошқа мисол – халқаро савдода оммавий муомалада бўлмаган нодир ва ўзига хос товарлардир.

Шунинг учун эсдан чиқармаслик керакки, таснифлашга доир ечимлар-

ни дастлабки 3 та қоидалар асосида қабул қилиб бўлмаганда ва товарни унинг материали ёки функциясига мувофиқ товар позицияларига киритишга имкон берувчи «бошқалар» деб аталувчи «корзинкали» позициялар мавжуд бўлмагандагина 4-ИАҚ қўлланилади.

5-қоида. У юқоридаги қоидалардан ҳеч бири – 1 4 гача бўлганларнинг бирортаси ўрнини босмайди! У, шунингдек, икки қисмдан иборат – 5а ва 5б.

5а ИАҚ фақатгина қуйидаги турдаги идишларга нисбатан қўлланилади:

- алоҳида шаклга эга бўлган ёки муайян буюм ёки буюмлар тўпламини сиғдиришга мўлжалланган. Яъни у муайян бир турдаги буюмга мўлжаллаб махсус қурилган бўлади. Айрим идишлар ўзига сиғдирилган буюм шаклини такрорлайди;

- узок муддат ишлатишга яроқли бўлган, яъни у ўзи мўлжалланган буюм қанча ишлатилса, шунча муддатга етадиган даражада узок муддатли ҳисобланади. Бундай идиш буюмдан фойдаланилмаган вақтда (масалан, ташиш ёки сақлашда) ҳам буюмни сақлаб туришни таъминлай олади. Бу мезонлар уни одатдаги ўровдан фарқлаб туради;

- буюмларнинг ўзи ташиш учун қулай бўлишини кўзлаган ҳолда алоҳида ўралган бўлишидан қатъи назар, улар буюмлар билан бирга тақдим этилганда. Алоҳида тақдим этилган мазкур идиш унга мос келувчи товар позицияларида таснифланади;

- одатда тегишли буюм билан бирга сотиладиган идиш туридан иборатдир;

- яхлит буюмга асосий хусусиятини бермайди.

5а ИАҚга мувофиқ таснифланиши керак бўлган тақдим этилган буюмга мос идишга мўлжалланган идишларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- заргарлик буюмлари учун ёғочдан ясалган қутилар ва қоробкалар (товар позицияси – 7113);

- электробритвалар учун мўлжалланган футлярлар (товар позицияси – 8510);

- биноклар ва телескоплар учун мўлжалланган футлярлар (товар позицияси – 9005);

- мусика асбоблари учун мўлжалланган чехоллар ва футлярлар (товар позицияси – 9202);

- қурол учун мўлжалланган чехоллар (товар позицияси – 9303).



5б ИАҚ қайтариладиган идишга тегишли бўлади, бунда ўров материали ва ўров контейнерларидан катта эҳтимол билан такрорий фойдаланилади. Масалан, металл баллонлар ёки сикилган газ ва суолтирилган газ учун қора металлдан тайёрланган цистерналар. Қоиданинг формулировкаси идиш ва ўровнинг иккиламчи қўлланилиши имкониятини мажбурий идентификациялаш имконини таъминлайди.

5б ИАҚ 5а ИАҚга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланади, шунинг учун 5а ИАҚда келтирилган чехоллар, футлярлар ва уларга ўхшаш контейнерлар 5а ИАҚга мувофиқ таснифланиши керак. 5б ИАҚ асосан бир маргалик ўровларга нисбатан қўлланилади. Бир маргалик ўрамларга аввало бирламчи ўрам тегишли бўлади, бунда товарлар истеъмол хусусиятидан келиб чиқиб чакана савдо учун тақдим этилади. У товарларнинг истеъмол хусусиятлари бузилмасдан туриб истеъмол қилингунга қадар товардан ажратилиши мумкин эмас. Бирламчи ўров истеъмолчига бевосита маҳсулот билан бирга этиб боради ҳамда товарнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У мустақил ташишга мўлжалланмаган ва чекланган оғирлик, сиғим ва ҳажмларга эгадир (металл, шисали ва полимер банкалар, ламинацияланган термик фўйилган материаллардан алюмин фольга ва металл плёнка асосидаги пакетлар, вакуумли пакетлар, зич қоғоздан тайёрланган герметик пакетлар). Масалан, бундай идишга ичидаги нарсалари билан қумуш чойнак ёки ширинликлари бор бўлган декоратив сопол ваза-ча қиради.

6-қоида. Товар кодини товар позицияси даражасида аниқлагач (4 та белги), 6 ва 10 та белгилар даражасида навбатдаги деталлаштириш ўтказилиши керак. 6-ИАҚ 1–5-қоидалар тегишли ўзгаришлар билан бирга қўлланилиши ҳамда товар субпозициялари даражасида (6 белгили код) муайян бир товар позицияси чегарасида (4 белгили код) қўлланилиши ни белгилайди.

Лекин субпозициялар фақат бир даражада таққосланади: 1 дефисли субпозициялар 1 дефисли субпозициялар билан муайян товар позицияси чегарасида таққосланади. Яъни мазкур даражадаги 2 та субпозициялар ўртасида танлаш хусусидаги масала ҳал этилаётганда бирорта бошқа пастроқ даражадаги субпозицияда мавжуд бўлган тавсиф ва кўрсатмалар эътиборга олинмаслиги керак. Товар тавсифини аниқроқ акс эттирувчи бир дефисли субпозиция танланиб бўлгандан кейин ва субпозициянинг ўзи бўлинадиган бўлса, у ҳолда 2 та дефисли субпозиция даражасидаги тавсиф эътиборга олинади ва улардан бири танланади.

6-ИАҚга мувофиқ бўлимлар ва гуруҳларга изоҳлар ҳам, агар контекста бошқача қоида келишилмаган бўлса, субпозицияларнинг даражасига татбиқ этилади. Яъни аввал субпозициянинг матни ва субпозицияларга изоҳларга, ана ундан кейин эса бўлимлар ва гуруҳларга изоҳларга мурожаат қилиш зарурдир.

Масалан, 4 (б) изоҳидаги 71-гуруҳда «платина» атамасининг тўлиқ тушунчаси субпозицияга 2-иловадаги унинг тушунчасидан фарқланади. Шунинг учун 7110 11 ва 7110 19-субпозициялар интерпретация қилингандан гуруҳга 4 (б) изоҳ эмас, балки субпозицияга 2-изоҳ қўлланилади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

<p>СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБӨӨВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Раъно ИСМАИЛОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базаида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165, Қоғоз бичими – А3, Ҳажми – 4 босма табақ, Баҳоси келишилган нарҳда. Бюроғма г-815, Адади 630. Газета 2020 йил 17 август соат 15.30 да топширилди.</p>
--	--	---	---	---